Илм ўзни билмакдир

Ма'рифат

MA'RIFAT ★ ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ ★ معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1996 йил 28 август, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда. | № 64 (6761)

Даъват

Келажаги буюк давлат энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур.

Ислом КАРИМОВ

Ибрат

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг япон тилини ўрганаётган талабаларидан бир гуруҳи янги ўқув йили олдидан кўп чиқар мамлакатда икки ҳафта давомида тажриба ошириб қайтишди. Бу сафарни Республика Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмаси билан Японияда «Фукусима-Ўзбекистон» маданий-иқтисодий ҳамкорлик уюшмаси биргаликда ташкил этди.

«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» ҚЎШИҚЛАР КЎРИК-ТАНЛОВИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Муҳтарам юртдошлар, кўрик-танлов қатнашчилари!

Мустақил мамлакатимизда биринчи маротаба ўтказилаётган улкан қўшиқ байрами — «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловининг барча қатнашчиларини ва ғолибларини самимий қутлайман.

Бу кўрикда минг-минглаб истеъдодларнинг қатнашгани, мустақиллик, нурли келажак ва она юрт ҳақида юрагидан тўлиб-тошиб куйлагани чиндан ҳам қувончли ҳодисадир. Бу — кўп йиллик мафкуравий тузум зўғуми туфайли асоратда қолган тафаккур ва дунёқарашнинг ўзгарганини, Ўзбекистон ва ўзбек халқининг қадимий шоншавкати қайта тикланганини кўрсатди.

Замонлар ўтаверади, даврлар ўзгараверади, аммо Ватан абадул-абад қолади. Ватанни севиш, суюб ардоқлаш, бор вужудинг билан жўшиб куйлаш энг олий бахтдир. Энг гўзал ва энг дилбар қўшиқлар ҳам Ватан ҳақидаги қўшиқлардир. Бундай жозибадор қўшиқлар элу элатларни бирлаштиради, уларни тинч-тотув ва осойишта яшашга, Ватанни ҳар жиҳатдан юксалтиришга, кўз қорачиғидай авайлаб-асрашга ва қуксини қалқон қилиб ҳимоя қилишга даъват этади.

Кўрик-танлов ўз ниҳоясига етди, деб ўйлаганлар хато қилади. Аксинча, у энди бошланди. Чунки танлов даврида яратилган ўнлаб мафтункор қўшиқлар халқимизнинг дилига кўчди, унинг бебаҳо маънавий мулкига айланди, Ватанимизга булган чексиз меҳр-муҳаббат янги куй-қўшиқларда ўзгача акс-садо берди.

Азиз дўстлар!

Биз Ўзбекистонимизни мадҳ этган қўшиқларни баралла куйлашдан ҳеч қачон чарчамайлик. Серқуёш диёримиз ва унинг меҳнаткаш, меҳмондўст, мағрур фарзандлари ҳақидаги қўшиқлар мангу янграйверсин! Оллоҳ бизларга насиб этган келажаги буюк ва қудратли Ватанимиз ҳамиша омон, остонаси доим нурли бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

Самимий табриклар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент И. Каримовга энг эзгу тилаклар билан Билл Клинтон

Муҳтарам Президент жаноблари, Сизни ва Ўзбекистон халқини 1 сентябрь — улуғ байрам — сизларнинг миллий кунингиз билан Америка халқи номидан самимий табриклайман. Бу санани 1996 йилда янада зўр тантана билан байрам қилса арзийди, чунки у Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинган куннинг беш йиллигини билдиради ва мамлакатингизнинг уша пайтдан буён эришган ютуқларини намоён этади.

26 июнь куни Оқ уйдаги учрашувимиз чоғида таъкидлаганимдек, Қўшма Штатлар Ўзбекистоннинг мустақиллигига, демократик ривожланишига, бугун дунё учун очиқ бўлишига ва гуллаб-яшнашига жуда катта аҳамият беради. Биз минтақадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда Ўзбекистон амалга ошираётган дадил ишларни қўллаб-қувватлаймиз ва барча соҳалардаги ўзаро манфаатларимиз орқали тағин ҳам яқинроқ икки томонлама алоқалар ўрнатилишига умид қиламиз.

Самимий ҳурмат билан,

Уильям Ж. КЛИНТОН,
АҚШ Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан самимий табригимни қабул қилгайсиз.

Россия—Ўзбекистон муносабатлари халқларимизнинг тарихий таркиб топган яқинлигини, уларнинг ҳар томонлама алоқаларни сақлаб қолиш ва ривожлантиришга интилишини ҳисобга олган ҳолда тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат асосига қурилаётганини мамнуният билан таъкидламоқчиман.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона шериклик ва ҳамкорликни чуқурлаштириш иқтисодий тараққиётнинг, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини мустаҳкамлашнинг, Марказий Осиёда ишончли тинчлик ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омили бўлишига аминман.

Сизга ва Ўзбекистон халқига бахт-саодат ва равнақ тилайман.

Ҳурмат билан,

Б. ЕЛЬЦИН,
Россия Федерацияси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида

Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга, халқ саломатлигини сақлашга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда ишлаб чиқариш соҳаларидаги қаҳрамонона меҳнати учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин Юлдуз» медали топширилсин:

АБДУРАСУЛОВ Содиқжон — Шаҳрихон туманидаги «Олтин водий» жамоа хўжалиги дончилик бригадаси бошлиғи, Андижон вилояти

АСАДОВ Мирумар — Самарқанд махсус илмий таъмирлаш ишлаб чиқариш устахонаси таъмирловчиси, Самарқанд вилояти

КОЧКАРОВА Айшахон — Наманган вилояти туғруқхонаси бўлим мудири

КУЧЕРСКИЙ Николай Иванович — Ўзбекистон Республикаси Қизилқум нодир металлар ва олтин давлат концерни раиси

ФАЙЗУЛЛАЕВ Иброҳим — Денов туманидаги С. Раҳимов номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси, Сурхондарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 август.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан фан, маданият, халқ таълими ва бошқа ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Республикада иқтисодиёт ва маданиятни юксалишига, халқ фаровонлигини ошишига, соғлигини ҳимоялашга, тинчлик ва барқарорлик сақланишига қўшган улкан хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

МУРОДОВ Сарвар — Жиззах шаҳар Беруний номли 22-мактаб-гимназия бош илмий бўлим мудири

РАҲМАТОВА Фароғат — Мукимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри.

РАҲИМОВ Иброҳим Абдураҳимович (Иброҳим Раҳим) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Тошкент шаҳри

ХОЖИМАТОВА Мариям Мирзабаевна — Гулистон шаҳар туғруқхонасининг бош врачи, Сирдарё вилояти

ХАМИДОВА Манзура — Й. Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри актёри

ҒОФУРОВ Маҳмуджон — Мукимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри актёри

I-ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

ДЕҲҚОН-Ходжаева Назминиса Абдуллаевна — Соғлиқни сақлаш вазирлиги миколоГия ва протозой касалликлари республика илмий маркази директори

КАРИМОВА Деля Фахритдиновна — Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг кафедра мудири

САЛИМОВА Равиля Наджимовна — Тошкент вилояти болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг директори

ТАДЖИБАЕВА Назира Атахановна — Қашқадарё вилояти «Оналар ва болалар» шифохонаси хурурги

II-ДАРАЖАЛИ «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

ПАВЛОВА Лариса Михайловна — миллий олимпия қўмитаси спорт бўлими бош мутахассиси

РАҲМОНОВА Мамахон — Ҳаққулобод шаҳар 5-ўрта мактаб ўқитувчиси, Наманган вилояти

ЭРГАШЕВА Моҳира Атаевна — Навоий тумани марказий касалхонасининг врачи, Навоий вилояти

ҚОРАБОЕВ Жўра — Термиз шаҳар марказий шифохонаси юрак-асаб касалликлари бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг вакиллари ўртасида дўстлик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлашга қўшган шахсий ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

АБДУЛЛАЕВ Худоёр — Урганч шаҳар 21-Огаҳий номли лицей директори, Хоразм вилояти

АЪЗАМОВ Ғани — С. Раҳимов тумани А. Набиев номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ артисти, Тошкент шаҳри

АЛЁХИН Виталий Анатольевич — Андижон шаҳар «Наврўз» уйингоҳи директори

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКИСТОН — ВАТАНИМ МАНИМ» ҚЎШИҚ БАЙРАМИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловининг халқимиз маънавий ҳаётида унутилмас воқеа булганини, минглаб фуқароларимиз томонидан зўр мамнуният ва кўтаринки руҳ билан қуллаб-қувватланганлигини эътиборга олиб, келажаги буюк давлатимиз ва унинг бунёдкор, бағри кенг, меҳри дарё халқини мадҳ этувчи, инсонлар қалбида муқаддас Ватан тупроғини, мустақилликни кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, бунинг учун керак булса жон фидо қилишга ундовчи юксак бадиий савиядаги мусиқа асарлари ва қўшиқларни яратилишига кенг имконият туғдириш мақсадида:

1. Ҳар йили август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқ байрами куни деб эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддат ичида қўшиқ байрамини тайёрлаш ва ўтказиш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

И. КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
1996 йил 27 август

ҒОЛИБЛАРНИ ҚУТЛАЙМИЗ

«Ўзбекистон — Ватаним маним» республика қўшиқлар кўрик-танлови катта муваффақият билан якунланди. Республика миқёсида кўтаринки руҳда ўтган ушбу тарихий тадбирда халқимизга манзур бўлган ўнлаб сара қўшиқлар янгради. Ватанимизни улуғловчи, унинг қудрати ва шоншуҳратини мадҳ этувчи жозибадор қўшиқлар халқимиз қалбидаги юксак ватанпарварлик туйғуларини янада жўштириб юборди.

«Туркистон» саройида бўлиб ўтган якуний босқичда кўрик-танлов ҳайъати томонидан ғолиблар аниқланди. Кўрик-танловда фаол қатнашган бир гуруҳ машҳур халқ артистлари, хизмат кўрсатган артистлар бу катта тадбирда мамлакатимиз фуқароларидан 54 минг киши қатнашганлиги, ун мингдан зиёд янги қўшиқлар яратилганлигини ҳисобга олиб ўзларига берилиши мумкин бўлган мукофотларни ёш истеъдодларга бериш ҳақида ҳайъатга махсус мурожаат этдилар. Ҳайъат бу мурожаатни эътиборга олиб, халқимизнинг таниқли санъаткорларга миннатдорлик билдирди.

Ҳайъат аъзоларининг бир овоздан келишувига мувофиқ кўрик-танлов ғолиблари учун белгиланган биринчи урин (125 минг сўм) очиқ қолдирилди. Анъанага айланаётган «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида ғолиб қўшиқ яратилишига асло шубҳа йўқ. Халқимиз истеъдодларга бой. Буюк Ватанимизни бор овозда куйлайдиган энг дилбар, энг жозибадор ва энг оммавий қўшиқларнинг яратилиши табиий.

Кўрик-танлов ҳайъати қарорига мувофиқ ғолиблар қуйидагича белгиланди:

Иккинчи мукофот (ҳар бири 70 минг сўмдан):

1. Бахтиёр УМИРОВга, «Она юртим» қўшиғи ижроси учун, З. ОБИДОВ шеъри, Ш. АСРАҚУЛОВ мусиқаси (Тошкент вилояти).

2. Асатилло ХОЛИҚОВга, «Ўзбекистон аскарлари» қўшиғи ижроси учун, А. ОБИДЖОН шеъри, А. НАЗАРОВ мусиқаси (республика Мудофаа вазирлиги).

3. Роза КУТЕКЕЕВАга, «Мустақиллик гуллари» қўшиғи ижроси учун, И. ЮСУПОВ шеъри, Н. МУҲАММАДИНОВ мусиқаси (Қорақалпоғистон Республикаси).

Учинчи мукофот (ҳар бири 50 минг сўмдан):

1. Саломат ИБРОҲИМОВАга, «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиғи ижроси учун, И. ЖИЯНОВ шеъри, С. ИБРОҲИМОВА мусиқаси (республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги).

2. Павел БОРИСОВга, «Мен сени севаман, Ўзбекистон» қўшиғи ижроси учун, Р. ФАРҲОДИЙ шеъри, П. БОРИСОВ мусиқаси (Тошкент шаҳри).

3. София САФТАРОВАга, «Ватан ягоналир» қўшиғи ижроси учун, Х. БОБОМУРОДОВА шеъри, С. САФТАРОВА мусиқаси (Самарқанд вилояти).

Рағбатлантирувчи мукофот (ҳар бири 30 минг сўмдан):

1. Дилшод КАТТАБЕКОВга, «Озод элни уғлиман» қўшиғи ижроси учун, Н. АМИНЖОНОВ, М. АЗИМОВ шеъри, А. НАЗАРОВ мусиқаси.

2. Галина ШИНГА, «Ўзбекистон масканим» қўшиғи ижроси учун, Ким Мон ОК шеъри, Ким Хо НАМ мусиқаси.

3. Қодир ЖУРАҚУЛОВ ва Владимир КОЛЕСНИКОВга, «Навоий» қўшиғи ижроси учун, И. ЖИЯНОВ шеъри, А. ИКРОМОВ мусиқаси (Навоий вилояти).

«Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танлови ҳайъати. 1996 йил, 26 август, Тошкент шаҳри

***

Шунингдек, республика кўрик-танловни ўтказиш таъсисчилари ҳам қатнашчилар учун қуйидаги махсус мукофотларни бердилар:

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги — М. САМАНДАРОВАга «Истиқлол бонги» қўшиғи ижроси учун (Бухоро вилояти).

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси — А. ШАРИПОВга, «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиғи ижроси учун (Қашқадарё вилояти).

Республика бастакорлар уюшмаси — Н. УРИНОВга, «Дорулмон» қўшиғи ижроси учун (Сирдарё вилояти).

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази — Р. ҲАМИДОВАга «Хумо қуши ҳақида» қўшиғи ижроси учун (Наманган вилояти).

Ўзтелерадиокомпанияси — И ИБРОҲИМОВга, «Ватанни севмоқ иймондандур» қўшиғи ижроси учун (Фарғона вилояти).

Қуйидагилар республика жамғармалари томонидан тақдирландилар:

«Қамолат» жамғармаси — «БОЙЧЕЧАК» болалар хор жамоасига «Юртим баҳори» қўшиғи учун.

«Экосан» жамғармаси — Ж. АҲМЕДОВга, «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиғи учун (Хоразм вилояти).

«Маҳалла» хайрия жамғармаси — Тошкент шаҳар 607-сон болалар боғчаси қатнашчиларининг «Хумо қуши» қўшиғи учун.

«Наврўз» хайрия жамғармаси — бастакор Д. ОМОНУЛЛАЕВА ва шоир Ж. ЖАББОРОВга, «Заррадари зар Ватан» қўшиғи учун.

Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги мукофоти — М. АБДУЛҲАЕВга, «Элим деб, юртим деб яшайлик» қўшиғи ижроси учун (Андижон вилояти) берилди.

Республика хотин-қизлар қўмитасининг махсус мукофотига — Қ. ОҚИЛОВА «Ҳур халқлар шарафи, жони сан диёр» қўшиғи учун сазовор бўлди.

Халқаро Амир Темур жамғармаси мукофоти билан — А. ЙЎЛДОШЕВ, «Кунгиллар тоғдай бўгун» қўшиғи учун тақдирланди (Жиззах вилояти).

«Соғлом авлод учун» республика жамғармаси мукофоти ёш хонанда Д. КАТТАБЕКОВга берилди.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси 29 август куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 28 август куни соат 9 дан соат 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ЖУМЛАДА ЖАҲОН

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23 август куни Қозоғистон пойтахти Алматида бўлди. Ўзбекистон раҳбари Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари давлатлараро кенгаши йиғилишида ҳамда атоқли қозоқ оқини Жамбул Жабаев таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этди.

❀ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 август куни Америка Қўшма Штатларининг Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотидаги делегацияси раҳбари Сэм Браунни қабул қилди.

❀ Америка Қўшма Штатларида Президентликка сайлов компаниясига ислоҳотлар партияси етакчиси, миллиардер Росс Перо ҳам кўшилди.

БЕШ ЙИЛЛИК САРҲИСОБ — САБОҚЛАР, РЕЖАЛАР, ВАЗИФАЛАР

Жўра ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири

Ҳар бир жабҳа фаолияти маълум муддатда сарҳисоб қилинади. Сарҳисобда бажарилган ишлар, бу борадаги ютуқ ва камчиликлар таҳлил этилади, келажак учун зарур хулосалар чиқарилади. Бу йилги сарҳисобимизнинг рамзий маъноси ҳам борки, бу Мустақиллигимизнинг беш йиллиги муносабатидир. Беш йил тарих учун сониядек фурсат бўлиши мумкин, бироқ инсоният ҳаётида бу муддат катта ўзгаришлар учун етарли эканлигини мустақил Ўзбекистонимиз тараққиётида кўрдик, ҳис қилдик.

Таълимда жамият социал-иқтисодий ривожининг устивор соҳасини, миллатнинг маънавий ва маданий тикланишини кўрган Республика Президенти И. А. Каримов таъкидлайдиларки: «...Мақсадларимизга эришиш, янги демократик жамиятни қуриш, ислоҳотларнинг тақдири қандай интеллектуал кучларга эгалигимизга, ёшларимизни қандай маданий ва профессионал савияга эришганлигига, қандай идеалларга эгалиқ қилишига, маънавий жиҳатдан қанчалик бойишига боғлиқдир. Шу боис, аҳолининг маълумот олиш имкониятини, миллий тикланиш ғоясини амалга оширишга қодир янги авлодни тарбиялаш энг муҳим вазифаларимиздан биридир...».

Бу ўзгаришлардан халқ таълими ҳам бенасиб эмас, зеро, у ҳам ана шу янгиланишлар, ислоҳотлар билан яшамоқда, мамлакат равнақига ўз улушини қўшмоқда. Дарҳақиқат, мустақилликка эришгач, олдимизда қатор масалалар вужудга келди. Аввало тарихимизни ўрганишимиз, миллий қадриятларимизни тиклашимиз, шунинг баробарида дунёни кўриш, ўрганиш, алалоқибат жаҳон андозаларига мос келадиган таълим тизимини яратишимиз зарур эди.

Шу жиҳатларни ҳисобга олиб, Мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб таълимни босқичма-босқич ислоҳ қилишга киришилди.

Узбекистон таълими ривожланишининг дастлабки босқичида унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиб, жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳамдўстлик мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Қонун талаблари асосида «Мактабгача тарбия Концепцияси», «Умумий ўрта таълим Концепцияси», «Мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишлар Концепцияси», «Ёшлар сиёсатига оид Концепция», «Маҳалла, мактаб, оила» каби қатор концепциялар яратилдики, булар ҳам таълимимизнинг ҳуқуқий жиҳатларини кафолатлади. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда республика ҳукумати томонидан қабул қилинган қатор қарорлар ва меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида таълим мазмуни ва сифатини, ўқувчиларнинг касб тайёргарлиги ва малакасини белгиловчи давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишга киришилди. Яратиладиган таълим стандартлари жаҳон амалиёти талаблрига мос келиши учун мазкур соҳада чет эл мамлакатларидаги илгор тажрибалар ўрганилди.

Узбекистон Республикаси давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда биз вужудга келган объектив ҳуқуқий омилларни, ижтимоий-иқтисодий ҳамда таълим ва тарбия соҳасидаги миллий анъаналарни ҳисобга олишга ҳаракат қилдик. Ҳозирги пайтда йигирмадан ортиқ йўналишлар ва фанлар бўйича стандартлар тайёр бўлиб, рес-

(Давоми 3-бетда).

Қутлаймиз!

Республикамиз Мустақиллигининг 5 йиллиги арафасида Узбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан ҳукуматимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлар орасида «Маърифат» газетаси бош муҳаррири ўринбосари Маҳкам РАҲМОНОВнинг ҳам борлиги ҳаммамизни қувонтирди. Биз, устоз журналист, самимий инсон, иқтидорли қалам соҳиби Маҳкам ака Раҳмоновни «Узбекистонда хизмат кўрсатган журналист» унвони билан қутлаймиз. Шу элга, шу Ватанга хизмат қилишдан чарчаманг, устоз!

«МАЪРИФАТ»чилар.

МММ — ХАБАРЛАРИ

СОВРИН БЎЗЛИКЛАРДА КЕТДИ

Бўз педагогика билим юрти мураббийси М. Қурбоновнинг волейболчи қизларини водийда танимаган одам йўқ. Уларнинг майдондаги нозик ҳаракати, чапдастликлари, бирбирини тушунган ҳолда тўп суришларини кўрсангиз сиз ҳам тан берасиз.

Яқинда волейболчи қизлар республика Мустақиллигининг 5 йиллигига бағишлаб ўтказилган ўқув юртлари командалари ўртасидаги вилоят беллашувида яна бир бор ўзларини «кўрсатиб» қўйишди. Уларнинг ўйин пайтидаги кучли «зарб»ига на Андижон енгил саноат техникуми, на Марҳамат сув хўжалиги техникуми, умуман ҳеч қайси команда «дош» беролмади. Хуллас, совриннинг каттаси, барибир, бўзликларда кетди.

O'Z ISHINING USTALARI

Usmon Ysupov tumanidagi U. Qurbonov nomidagi maktab o'quvchilari mohir qo'llar va naqqoshlik san'ati bo'yicha murabbiylar ko'magida unumli ish qilishmoqda. Bu to'garak a'zolari o'ymakorlik, tikish-bichishning turlicha yo'llarini topishgan. Ayniqsa O. Parmonov, N. Jo'rayevalarni qancha maqtasa oz.

«ҚИЗИҚИШ»ДА ГАП КЎП

Хоразм вилоят ҳокимининг фармойишига мувофиқ Урганчда шаҳар ва туманларнинг анъанавий маданият кунлари бўлиб ўтмоқда. Шу муносабат билан боғ олдида Хоразм далаларида етиштирилган табиат неъматлари кўргазмаси ташкил этилди. Кичик бозорлар очилиб, аҳолига арзон нархдаги намунали савдо йўлга қўйилди.

«Бир пиёла чой устида» мавзусидаги давра суҳбатлари, фахрийлар, ёзувчилар, олимлар иштирокидаги мунозарали йиғинлар, бадиий ҳаваскорлик дасталарининг янги чиқишлари эса, бу тадбирга яна ҳам кишилар қизиқишини орттиради.

Ҳ. РУСТАМОВ,
F. ESHQULOV,
Г. ҚУРБОНОВА.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг беш йиллиги муносабати билан фан, маданият, халқ таълими ва бошқа ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Боши 1-бетда)

БАБАНАЗАРОВА Мариника Маратовна — Қорақалпоғистон Республикаси давлат санъат музейи директори

БАЙЛЕПЕСОВ Ниетбай Узакбаевич — Қорақалпоғистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси болалар спорт мактабининг катта спорт устози

БЕССАРАБОВА Людмила Петровна — Тошкент давлат оперетта театри актёри

ДАМИНОВ Турғунпулат Обидович — Биринчи Тошкент давлат медицина институти ректори

ЖУРАЕВ Тухтамурод Жўраевич — Узбекистон Фанлар академиясининг президенти

КИЛЬДЕЕВ Ильдар Ахмедович — Тошкент электротехника алоқа институти қошидаги Марказий Осиё телекоммуникация ўқув марказининг раҳбари

НАСИРОВА Саёҳат Шарифжановна — Бухоро вилояти қизил ярим ой жамияти раиси

ОҚМИРЗАЕВ Сайфулла — Мирзо Улуғбек тумани маҳалла хайрия жамғармаси раиси, Тошкент шаҳри

РОМЕЕВ Комил Гарипович — Узбекистон театр арбоблари уюшмаси фотомухбири

САЛИМОВ Оқил Умурзоқович — Узбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири

СОТВОЛДИЕВ Хабибулло — Қўрғонтепа шаҳар «Шаҳрихонсой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

ХОМЕРИКИ Владимир Кириллович — Узбекистон Республикаси муҳандислик маркази федерацияси вице-президенти — «Мегоброба» (Дўстлик) грузин маданий маркази раиси

ШОҒУЛОМОВ Рустам Шомуродович — Узбекистон Республикаси давлат матбуот қўмитаси раиси

ШКАРИН Александр Иванович — «Узбеккино»давлат акциядорлик компанияси оператори

ШУЛЬГА Людмила Николаевна — Пайариқ туманидаги 6-ўрта мактаб директори, Самарқанд вилояти

ЮСУПОВ Махамаджон — Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси маслаҳатчиси, шоир

ҒУЛОМОВА Дилбар Муҳаммадхоновна — Узбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси — Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Мамлакатимиз иқтисодиёти, фани ва маданиятини ривожлантиришда, ёш авлодни ватанпарварлик ҳамда миллий истиқлол ва ижтимоий тараққиёт ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда ўзининг ҳалол меҳнати билан катта ютуқларга эришганликлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

АБДИЖАМОЛОВА Турсунгул — Узбекистон телерадиокомпанияси «Ахборот» информацион дастурлар дирекциясининг мухбири

АБДУНАЗАРОВ Абдураҳмон — Қарши шаҳар «Мулоқот» театр студиясининг директори, Қашқадарё вилояти

АБДУЛХАИРОВА Роза Халитовна — «Узбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси раққосаси

АБДУРАХМОНОВА Любовь Ивановна — Шовот тумани «Узбекистон» номли 7-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, Хоразм вилояти

АБДУРАСУЛОВ Хаким — Самарқанд шаҳар «Нафис» акциядорлик жамияти касаба қўмитасининг раиси

АЛИБОЕВА Гуличеҳра Нарзиевна — «Туркистон» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича мухбири

АЛИҚУЛОВ Алишер Маҳмудович — рассом, Тошкент шаҳри

АСАДОВ Шавкат — Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг катта муҳаррири

АҲМЕДОВ Анваржон Аҳаджонович — Тошкент давлат университети «Математик моделлаштириш» кафедрасининг аспиранти, 1994/95 ўқув йилида Узбекистон Республикаси Президенти стипендияси совриндори

АЮПОВ Шавкат — Узбекистон Республикаси Президенти девонининг бош консультанти, Узбекистон Фанлар академияси академиги

БАБАХОДЖАЕВ Сраджеддин — Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий текшириш институти лаборатория мудири

БОҚИЕВ Набижон Абдуғаниевич — «Ватан» газетаси бўлим мудири

ВАФОЕВА Шаҳло Шуҳратовна — Бухоро давлат университети студенти, Навоий давлат стипендияси совриндори

ДУСТИЛЛАЕВА Матлабхон — Пискент тумани марказий касалхонаси аёллар маслаҳатхонаси бўлим мудири, Тошкент вилояти

ДЖУМАЕВ Рустам Зиятович — Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақаларо татқиқотлар институти директори ўринбосари

ЖУРАҚУЛОВ Қодир — Конимех тумани «Жастулек» халқ ансамблининг бадиий раҳбари, Навоий вилояти

ЗИЁЕВ Азамат Ҳамидович — Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими

ИРДАНАЕВ Муҳаммади Ишниязович — Қумқўрғон тумани санитария-эпидемиология станцияси эпидемиология бўлими мудири, Сурхондарё вилояти

ИСАКОВ Ҳабибулла — «Намангангаз» ишлаб чиқариш бошқармаси касаба уюшмаси қўмита раиси

КОМИЛОВА Малика Комиловна — Зомин туманидаги А. Фозилов номли интернат уйи катта ҳамшираси, Жиззах вилояти

МАТЁҚУБОВА Гавҳар — Хоразм вилояти ҳокимлиги маданият ишлари бошқармаси бўлим мудири

МАҲМУДОВ Мавзур Мансурович — «Узбеккино» давлат акциядорлик компаниясига қарашли мультипликацион фильмлар студияси режиссёри

МИРЗАЁРОВ Ўктам Хайруллаевич — Узбекистон Миллий ахборот агентлиги котибияти мудири

МИРЗАЛИЕВА Яйрахон Якубжоновна — Андижон давлат университети студенти, Улуғбек давлат стипендияси совриндори

МИРЗАЛИЕВА Санам Суннатуллаевна — Тошкент давлат Шарқшунослик институти студенти, Навоий стипендияси совриндори

МУҲАМЕДЖОНОВ Шомаҳмуд Шохадиевич — Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими

МУҚИМОВ Мирабзал Мираюбович — Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедраси мудири

НОСИРОВ Санжар Ҳайдарович — Узбекистон Республикаси Фанлар академияси биоорганик кимё институти етакчи илмий ходими

НОРМАТОВА Насиба Ўринбоевна — Меҳнатобод тумани ижтимоий таъминот бўлимининг бош мутахассиси, Сирдарё вилояти

ПОРСОЕВ Ходи — Самарқанд шаҳри Сиёб тумани маҳалла фуқаролар йиғини раиси

РАВШАНОВ Поён Равшанович — Қарши давлат университетининг доценти, Қашқадарё вилояти

РАҲИМОВА Патма Каримовна — Фарғона вилоят кутубхонаси мудири

РОҲАТОВА Жаҳон Муҳамедовна — «Соғлом авлод учун» халқаро Хайрия жамғармаси Тошкент вилоят бўлими директори

РУЗИҚУЛОВ Усарқул — Ховос тумани Қўшқанд қишлоқ врачлик амбулаторияси фельдшери, Сирдарё вилояти

САДИКОВА Маъмура Садиковна — 1-шаҳар клиник касалхонасининг қабул бўлими мудири, Тошкент шаҳри

СПИРИДОНОВ Лев Михайлович — «Народное слово» газетаси иқтисодиёт бўлими муҳаррири

СУЛТОНОВ Хайриддин Мадриддинович — Узбекистон Республикаси Президенти матбуот хизматининг бош консультанти

ТЕШАБОЕВ Зоҳиджон Раҳматович — Узбекистон Республикаси Фанлар академияси М. Т. Уразбоев номидаги механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти катта илмий ходими

ТИЛЯВОВА Гулбаҳор Қодировна — «Хорезмская правда» газетасининг бўлим мудири, Хоразм вилояти

ТОЖИЕВ Саъдулло Муҳитдинович — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти студенти, Беруний стипендияси совриндори

ТУЙЧИЕВ Маҳмуд — «Узбеккино» давлат акциядорлик компанияси «Узбекфильм» киностудиясининг муҳаррири

УМАРОВА Турсунхон Юсуповна — Й. Охунбобоев номли республика тиббиёт билим юртининг директори, Тошкент шаҳри

ҲАБИБУЛЛАЕВ Нозим Насибуллаевич — Узбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти докторанти

ХАКИМОВ Акбар Абдуллаевич — Санъатшунослик институти директори ўринбосари

ХАКИМОВ Олимжон — «Саодат» журналининг техник котиби

ХОЖАНИЯЗОВ Қойбоғар Дурдиевич — Хожейли шаҳар 36-ҳунартехника билим юртининг устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

ХОЖИРАҲМАТОВА Ҳамро — Фарғона вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи

ХУЖАЕВ Муҳаммад Шокирович — Ғиждувон шаҳар Улуғбек номли маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

ХУЖАМҚУЛОВА Гулсара Очиловна — Олот тумани «Гулистон» қишлоқ врачлик амбулаториясининг участка врачи, Бухоро вилояти

ШУКУРОВ Иброҳимжон Ҳошимович — Ёзёвон тумани агробизнес коллежининг ўқитувчиси, Фарғона вилояти

ҚАНОАТОВ Тўлабой — О. Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусиқий драма театри артисти

ҚАЮМОВ Шуҳрат Шукурович — Тошкент давлат техника университети студенти, Беруний давлат стипендияси совриндори

ҚАЮМОВА Турсунбу Хожаевна — Жиззах шаҳар 1-поликлиникасининг маҳалла врачи, Жиззах вилояти

ҚОРИЕВ Мақсуд — «Меҳригиёҳ» газетаси бош муҳаррири, Тошкент шаҳри

ҚОСИМОВ Рустам Холтойевич — «Тошуйжойинвестқурилиш» корпорацияси тиббиёт-санитария бўлими бош врачи, Тошкент шаҳри

ҚУРБОНИЯЗОВА Сарбина — Қорақалпоғистон давлат университети студенти, Навоий давлат стипендияси совриндори

ҒУЛОМОВ Собир Иботович — Қашқадарё махсус илмий таъмирлаш устахонаси таъмирловчи устаси.

Кўп йиллик самарали хизмати, республикада фан, санъат, маданият, матбуотни ривожлантириш, аҳолининг соғлигини муҳофаза қилиш, ёшларга таълим ва жисмоний тарбия бериш ишига қўшган муносиб ҳиссалари ҳамда жамоат ҳаётида фаол қатнашаётганлиги учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН АРБОБИ»

ГЛУШЕНКОВА Анна Ивановна — Узбекистон Республикаси Фанлар академияси ўсимлик моддалари кимёси институти лабораторияси мудири, Узбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси

КАРИМОВ Наим Фотихович — Узбекистон Республикаси Фанлар академияси А. Навоий номидаги адабиёт институти бўлим мудири

СОАТОВ Талъат — Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Биокимё институти директори.

«УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ РАССОМИ»

МИРЗАРАХИМОВ Қосим — ҳайкалтарош, Тошкент шаҳри.

«УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

АСОМОВ Обид Аъзамович — «Узбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси эстрада жамоалари дирекциясининг «Обид-а» театри бадиий раҳбари

БОВАЖОНОВ Адамбой — Огаҳий номидаги мусиқий драма ва комедия театри актёри, Хоразм вилояти

БОБОХОНОВА Данисия Даяновна — А. Ҳидоятов номидаги узбек давлат ёшлар драма театри актёри

БОЙХОНОВА Зулайҳо Мамаджоновна — Муқимий номидаги давлат мусиқий театри солист-вокалисти

ИГАМБЕРДИЕВА Дилором Урунбаевна — «Узбеккино» давлат акциядорлик компанияси актёри

ИКРОМОВА Дилбар Илҳомовна — Ҳамза номидаги узбек давлат академик драма театри актёри

ИХТИЁРОВА Хумора Бахтиёровна — «Узбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси «Зарафшон» ашула ва рақс ансамблининг раққосаси

КАРИМОВ Абдулхай Турсинович — «Узбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси Фарғона вилояти бўлими «Тўй бола» гуруҳи раҳбари

КИМ Елизавета Николаевна — «Син-Сэн» корейс фольклор театр-студияси бадиий раҳбари

МИРАЛИЕВ Миртоҳир — Й. Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри актёри

МУСТАФАЕВ Пулат — Алишер Навоий номидаги узбек давлат академик катта театри опера хонандаси

НОСИРОВ Элёр Расулевич — А. Ҳидоятов номидаги узбек давлат драма театри актёри

РАҲИМОВА Мукамбар Ҳакимовна — «Узбеккино» давлат акциядорлик компанияси кинорежиссёри

РАСУЛОВ Хабибулло Тиллаволдиевич — «Узбекнаво» гастрол концерт бирлашмаси созандаси

САФАЕВА Дилором Махмудовна — Муқимий номидаги узбек давлат мусиқий театри солист-вокалисти

СИДИҚОВ Уткир — «Узбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси «Узбекистон» ашула ва рақс ансамблининг бадиий сўз устаси

ТУХТАЕВА Елена Рузиқуловна — «Узбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси «Баҳор» халқ рақс ансамблининг раққосаси

УЗОҚБЕРГЕНОВ Бозорбой Жумабаевич — Қорақалпоғистон Республикаси Бердах номидаги мусиқали драма театри актёри

ЮСУПОВА Наима Ҳайдаралиевна — Узбекистон телерадиокомпанияси «Тановар» рақс театри раққосаси

ЮСУПОВ Шомурот — Республика қўғирчоқ театри бадиий раҳбари

ҒУЛОМОВ Абдурасул — «Узбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси созандаси.

«УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МАДАНИЯТ ХОДИМИ»

АЛИЕВ Хайбатулла — Узбекистон телерадиокомпанияси бадиий кўрсатувлар дирекцияси бош муҳаррири

БОШБЕКОВ Шароф — Й. Охунбобоев номидаги ёш томошабинлар театри адабиёт бўлимининг мудири

ИСРОИЛОВ Маҳкам Иброҳимович — М. Уйғур номли Тошкент давлат санъат институти театр санъати факультети декани

НАЗАРОВ Музаффар Нуриддинович — Халқлар дўстлиги саройининг директори, Тошкент шаҳри

ОМОНУЛЛАЕВА Дилором Дарвиновна — композитор, Тошкент шаҳри

РАҲМОНОВ Шавкат Раҳмонович — шоир, Тошкент шаҳри

ШУКУРОВА Фазилат — М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси «Халқ чолғулари оркестри дирижерлиги» кафедрасининг доценти

ХАЛИЛОВА Клара Мирзакаримовна — Узбекистон телерадиокомпанияси диктори

ХОМЯКОВ Том Александрович — Ҳамза номидаги Тошкент давлат мусиқа билим юрти ўқитувчиси.

«УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМИ»

ЖАББОРОВ Саврон Алимович — Мирзачўл тумани марказий касалхонаси бош врачи, Жиззах вилояти

КАРАТАЕВА Раиса Сергеевна — Қорақалпоғистон Республикаси Санитария-эпидемиология станциясининг бўлим мудири

НИЯЗОВА Ираида Бадаловна — Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт-санитария бирлашмасининг 1-марказий поликлиникаси врачи, Тошкент шаҳри

ОРАЛБАЕВА Назбиби — Қораўзак тумани марказий касалхонаси бош врачи, Қорақалпоғистон Республикаси

СУЛТАНОВ Равшан Тулаганович — Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари

ТУРАЕВ Раҳматилло Фузайлович — «Бухоротекс» акциядорлик жамиятига қарашли тиббиёт санитария қисмининг шикастбандлик бўлими мудири

ТУРСУНОВ Баҳрон Саломович — Самарқанд тиббиёт институти кафедра мудири.

«УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

АҲМЕДОВА Уллибиби — Урганч тумани Р. Юсупов номли мактаб ўқитувчиси, Хоразм вилояти

ЙЎЛДОШЕВ Жўра Ғаниевич — Узбекистон Республикаси халқ таълими вазири

ЖОНТОЕВ Қуролбой — Бўка тумани 36-ўрта мактаб директори, Тошкент вилояти

МАНАПОВА Амангельди — Мирзачўл тумани Абай номли 2-ўрта мактаб ўқитувчиси, Жиззах вилояти

НИГМАТОВ Хамид Ғуломович — Бухоро давлат университети «Узбек тилшунослиги» кафедрасининг мудири

УМАРОВ Акрамжон — Боғдод тумани халқ таълими бўлими услубчиси, Фарғона вилояти.

«УЗБЕҚИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН СПОРТ УСТОЗИ»

СУЛТАНБЕКОВ Фаат Мусаевич — «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси қошидаги «Хадра» теннис клубининг катта спорт устози, Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ»

МАҲКАМОВ Содиқжон — «Узбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг фотомухбири

Мурод Муҳаммад ДЎСТ — Узбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби

РАҲМОНОВ Маҳкам Жўраевич — «Маърифат» газетасининг бош муҳаррир ўринбосари

ТИЛЛАХЎЖАЕВ Саидмурод — Узбекистон телерадиокомпанияси ижтимоий ҳаёт бош таҳририятининг бош муҳаррири

ТОЛИПОВ Рауф — «Ғунча» журналининг масъул котиби.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 август.

UZINFO МАРКАЗИ

МАОРИФ ОЛАМИДА

12 СОАТЛИ СУЗИШ

Хитойдаги кучли денгиз тўлқини 19 ёшли талабани қирғоқдан 120 км узоққа олиб кетди. Лекин муъжиза рўй бериб, қутқарувчилар келгунича сузишни билмаган қиз 12 соат чидаб турди.

ТУРЛИЧА ИСТАКЛАР

Исроил социология институтларидан бири МДҲдан келганлар ва маҳаллий аҳоли ҳаётини бир-бирига таққослаб ўрганиб чиқди. Натижаларга кўра, имигрантлар кийим-кечак ҳамда китобни кўпроқ сотиб олсалар, исроилликлар болалар ўйинчоқлари, соғлиқни сақлаш учун кўпроқ харажат қилишар экан.

ЕРНИНГ ЎТМИШДАГИ ҲАРОРАТИ

АҚШнинг Деньер шаҳридаги миллий муз лабораториясининг олимлари узоқ тарихий даврларда ернинг ҳаво ҳарорати, шамоллар ҳаракати, ёнғин кучини аниқлаш учун Грелан-дия оролининг музликларини ўрганмоқдалар. Бунинг учун уларга турли чуқурликдан олинган 13.000 бўлак муз керак бўлди.

СУТКА 25 СОАТ БЎЛАДИМИ?

АҚШ коинотшуносларининг ўтказган изланишларига кўра 900 млн. йил олдин сутка 18 соат бўлган экан. Яна бир-икки асрдан кейин ойнинг ердан узоқлашиши сабабли бир кун 25 соатгача чўзилиши мумкин.

- *Рейтинг тизими бўйича янги журнал жорий қилинади*
- *Шаҳарда 10 та махсус ихтисослаштирилган банк синфлари янги ўқув йили бошидан бошлаб фаолият кўрсатади.*
- *21500 нафар ўғил-қиз янги ўзбек алифбосида ўқишни бошлайдилар.*
- *Халқ педагогикасида сир-синоат кўп*
- *«Ўзбек тилига саёҳат» (муаллиф С. Арапова) ўқув қўлланмаси русийзабон болаларига ўзбек тилини эртаклар орқали ўргатишда ижобий натижа бермоқда*

ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Илгари хабар қилганимиздек, пойтахт маорифчиларининг анъанавий август кенгаши бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошевнинг маърузаси зўр қизиқиш билан тингланди. Маърузачи шаҳар маорифи ҳаётида эришилган ютуқлар қаторида бир талай муаммо ва унинг ечимлари тўғрисида ҳам атрофлича фикр юритди.

— Мустақил юртимиз собит қадамлар ила тараққий этган давлат сафига кириб бораяпти, — деб сўз бошлади у. — Халқ хўжалигининг турли жабҳаларида муваффақиятлар қўлга киритилаётир. Шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва унинг тасарруфидаги таълим-тарбия муассасалари ҳам Республиканинг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Президентимизнинг халқ таълими соҳасига оид фармонлари, мазкур Қонун ва фармонлар мазмунидан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамаси, Халқ таълими вазирлигининг тегишли қарор ва кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида жорий йилнинг шу кунига қадар муайян ишларни амалга ошириб келмоқда.

Бу йил 28484 нафардан зиёд ўғил-қиз 9-синфни, 12053 нафар ўқувчи 11-синфни тамомлади. 9-синф ўқувчиларидан 811 нафари мазкур синфни юқори кўрсаткичлар билан битириб, имтиёзли гувоҳномани қўлга киритдилар. 389 нафар 11-синф битирувчиси аттестатнинг янги намунаси — ўрта маълумот ҳақидаги имтиёзли шаҳодатномани олди.

Маълумки, йиллар давомида қўллаб келинган таълимдаги қолипбозлик, ўқувчилар билимини баҳолашдаги 5 балли тизим эндиликда қўл келмай қолди. Шу боис Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси дунё миқёсида кенг қўлланилаётган усуллардан Тест синовларини ҳаётга татбиқ этиш борасида республикамизда биринчилар қатори муайян ишларни амалга оширишга киришди. Шунингдек, айни кунда илм масканларида рейтинг бўйича янги журнал жорий қилиш мўлжалланаётир.

Мазкур йилда шаҳар мактабларининг иқтидорли ўғил-қизлари ўқувчиларнинг фанлар бўйича Республика олимпиадасида муваффақиятли иштирок этишиб, умумгуруҳ (команда) ҳисобида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ичида 1-ўринни эгалладилар. 10 нафар ўқувчи олий ўқув юртларига имтиҳонсиз қабул қилиниш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу ҳам кўпбалли тарзда баҳолашнинг ва компьютердан фойдаланишнинг маҳсулидир.

Маълумки, бозор иқтисодиётига ўтилиши мулкчиликнинг турли-туман шаклларини ривожлантиришни, ўқитиш мазмунини жаҳон талаблари даражасига олиб чиқишни тақозо этмоқда. Шу боис иқтисодий таълимнинг илк тушунчалари синов-тажриба тариқасида шаҳардаги 300, 419, 426, 522-боғчалардаги каби йигирмага яқин болалар мактабгача тарбия муассасасида ўйин жараёни орқали 600 дан ортиқ кичкинтой онгига сингдирилаяпти. 19 та мактаб (284, 220, 64, 160)да иқтисодий билимларни чуқур ўрганадиган махсус синфлар, мактаб-гимназиялар ва лицейлар фаолият кўрсатаётир. Ҳозир бу таълим муассасаларида ўқиётган ўқувчилар банк, пул, менежер, брокер, бартер, валюта ва бошқа иқтисодий тушунчаларни аллақачоноқ ўзлаштиришган. Шу билан бирга улар иқтисодий касбларга ҳос билимларни эгаллаб олганлар.

Тошкент шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти иқтисодий йўналишдаги илғор тажрибалар асосида махсус курслар ташкил этди, Амалиётчи ўқитувчилар билан ҳамкорликда дастурлар, қўлланмалар, тавсиялар яратиб, жойларга юборди. Жумладан, Чилонзор туманидаги 138-мактаб ўқитувчиси Бахтиёр Каримов билан ҳамкорликда ҳозирланган «Иқтисодий билим асосларини мактабда ўқитиш» дастури ва тавсияномаси, Яккасарой туманидаги 160-мактаб иқтисод фани ўқитувчиси Марина Куликованинг «Қизиқарли иқтисод» қўлланмаси, Ҳамза туманидаги 166-мактаб-лицей муаллими Владимир Матвеевнинг «Бозор иқтисодиёти ва тадбиркорлик асослари» экспериментал қўлланмаси мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди.

1996—97 ўқув йилининг 2 сентябридан шаҳар умумтаълим мактабларининг барча 1-синф ўқувчилари, яъни ўзбек тилида ўқийдиган 21500 нафар ўғил-қиз янги ўзбек алифбоси асосида таълим олишни бошлайдилар. Бу 850 та 1-синф демакдир. Шаксиз, бу синфларга янги ўзбек алифбосини ўзлаштирган, махсус курслардан ўтган муаллимлар бириктирилиши керак. Шу мақсадда, шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти бошлангич синф ўқитувчиларидан қарийб 2000 га яқинини ана шундай курслардан ўтказди.

Бу йилги педагогик ўқишлар ҳам ўзгача мазмун касб этиб, шаҳар ва республика босқичида қилинган маърузалар ҳақиқатдан илмий-амалий, ижодий изланиш, тажриба маҳсули эканлигини намоён этди. Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган IV босқич педагогик ўқишлар Миробод туманидаги 60-мактабнинг меҳнат фани ўқитувчиси И. Загуменний, Яккасарой туманидаги 91-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Фарида Мардонова, 200-мактабнинг рус тили ўқитувчиси Т. Брагинскаянинг маърузалари, айниқса, кўпчиликка маъқул бўлди.

Анъанавий «Йил мактаби», «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловларининг ўтказилиши жамоалар ишига янги куч, ғайрат, интилиш, кўтаринки руҳ бағишламоқда. Ўтган ўқув йилида Юнусобод туманидаги 273-мактаб «Йил мактаби» номига сазовор бўлди. Педагогик жамоанинг олий ўқув юртлари билан шартномалар тузиш, шунингдек, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги борасидаги тажрибалари эътиборга лойиқ.

«Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг 3, 9, 28-моддаларига мувофиқ Тошкент шаҳрида бугунги кунда 150 дан ортиқ янги турдаги таълим муассасалари фаолият кўрсатаётир. Булар боғча-мактаб мажмуалари, илк тараққиёт марказлари, иқтисодий таълим, компьютер сабоқлари илгариланма таълим, хорижий тилларни ўрганиш, экологик таълим, давлат тилини чуқур ўрганиш ва бошқа ўнлаб йўналишлардир. С. Раҳимов туманидаги 309-шарқ тиллари мактаб-лицейи, Сирғали туманидаги 284, 300, 302, Миробод туманидаги 160-иқтисодий йўналишдаги мактаб-лицейлари, Ҳамза туманидаги 166-математика, иқтисод мактаб лицейи, 200, 305-экологик йўналишдаги мактаб лицейлари, 45, 65-катталар таълими марказлари, тилларни чуқур ўргатувчи 80-мактаб-гимназияси, хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда ташкил қилинган Узбекистон — Туркия лицейларида ўқувчиларга пухта билим ва касб малакаси берилмоқда. 17, 51, 309, 29, 91-мактабларнинг ЮНЕСКО жамияти аъзолигига номзод қилиб кўрсатилишини эса ҳақли равишда мамнуният билан қайд этиш мумкин.

Узбек халқининг ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда асрлар давомида қўллаган усул ва воситалари, тадбир шакллари, ўзига хос урф-одатлари ва анъаналари, тарбия ҳақидаги ғоялари ва ҳаётий тажрибаси халқ педагогикасида мужассамлашгандир. Ҳозир илм масканларида ундан тўла ва изчил фойдаланиляпти. Аслида халқ педагогикаси халқ ва донишмандларнинг таълим-тарбияда қўллаган усул, восита ва тажрибаларига асосланади. Зеро, халқ педагогикаси сир-синоатларидан унумли фойдаланиш, унга суяниш фойдадан ҳоли бўлмайди.

Чунончи, Тошкент шаҳар ўқувчилари Давлат тест маркази (1995 йил)нинг олий ўқув юртларига танловида ҳамда республикада вилоятлараро беллашувида энг юқори рейтинг (50,22) кўрсаткичига эга бўлдилар. Афсуски, ўзбек тилида (46,45) таълим олган ўқувчилар рейтинги рус тилида (54,00) таълим олган ўқувчилар рейтингидан математикадан ташқари барча ўқув фанларидан бирмунча паст натижа кўрсатганлиги ўринли ташвиш туғдиради. Жумладан, немис тили (30,5), физика (35,04), она тили (39,12)дан ўқувчиларимизнинг билим савияси ачинарли аҳволда, бу фанларга эътибор сусайган. Айниқса, Ҳамза (39,8), Сирғали (41,9), Миробод (43,3) туманларда ўзбек мактаб ўқувчиларининг билим даражалари пастлиги аниқланди.

Нотиқ асосий вазифа сифатида мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларида тарбиявий ишларни тубдан яхшилаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишда йўл қўйилаётган хато-камчиликларни бартараф этиш, «Маҳалла» дастури асосида тарбиявий, маънавий одоб-ахлоқий тадбирларни такомиллаштириш, тегишли ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, мактабдан ташқари ишларга ҳамда спорт соҳасига эътиборни кучайтириш муҳимлигини алоҳида қайд этди.

Музокараларда биринчи сўзни Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат дорилфунуни ректори **Тўлқин Миркомилов** олди. У бозор иқтисодиёти ва ислоҳот, олий таълим ва мактаб ҳамкорлиги ҳамда поғонали ўқитиш борасидаги фикрларини батафсил баён этди.

Сирғали туманидаги 284-мактабда ўғил-қизлар билимини аниқлашда рейтинг усули қўлланиляпти. Тажрибада ижодий гуруҳ иштирок этади. Ўқувчиларни баҳолашда уларнинг билими, ҳулқи, мавзуларга ижодий ёндошиши, тўгаракларда иштироки ҳисобга олинади. Меҳнат муносиб баҳоланса, ўқувчиларнинг ўзлари ҳаракат қиладилар, ҳатто, улар фаоллашадилар, деб мазкур тажриба ҳақидаги сўзини тугатди, мактаб директори **Нина Мкрдумян**.

— Бизда халқ педагогикасининг беқиёс ўрни бор, — деди «Электроаппарат» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси Бош директори **Абдумалик Алимбоев**. — Ота ишдан келибоқ сўрайди «Онаси, болалар дарсини қилдими?.» Назорат мактабда давом этсин! Зарурат туғилса, улардан ёрдамни ҳам аямаслик даркор. Масалан, бу йил бирлашмамиз фарзандларимизнинг чет элларда бўлим даражаларини синашларига ҳомийлик қилди. Натижалар кутилганидан зиёд бўлди. Улар Грузия, Голландия ўқувчилари орасида физика фанидан чуқур билимга эга эканлигини намойиш этишди. Хулоса шуки, айни кунда саноатчилар маорифга ёрдам уюштирмаса бўлмайди. Ҳар биримиз ёшлар ўринбосарларимиз эканлигини англаб етмоғимиз даркор.

Тажрибалардан маълумки, чет тилини боғча ёшидан бошлаб ўрганиш мактабгача ёшдаги болаларнинг психофизиологик хусусиятларига мос келади. 43-мактаб қошидаги илк тараққий марказининг раҳбари **С. Арапова** бу борадаги тажрибаларини кенгаш қатнашчиларига сўзлаб берди. Ҳақиқатан ҳам унинг 419-боғча гимназия болаларига ҳамда 43-мактабнинг бошланғич синф ўқувчиларига энг замонавий усулда инглиз ва ўзбек тилларидан бераётган сабоқлари ижобий натижалар бераяпти. Бир соатлик дарс давомида ўғил-қизларнинг барчаси қатнашиб, ҳаракатли ўйинлар воситасида қўшиқлар айтиб, топишмоқларни уддабуронлик билан ечишяпти. Шеърга куй басталаб, расм чизиб, мустақил фикрлашга, хулоса қилишга ўрганаётирлар. Ўқишнинг иккинчи йилиёқ боғча болалари инглиз тилида мустақил сўзлашишяпти.

Узбекистон халқ таълими вазири **Жўра Йўлдошев** асосан халқ таълими тизимидаги янгиликлар, тажриба ва синовларга тўхталди. Ўқитувчи бурчи ва масъулияти, педагогик, психологик хизмат, меъёр каби тушунчаларни кенг ва атрофлича таҳлил қилди. Шунингдек, у мактабгача тарбия муассасаларининг ҳамда мактаб раҳбарларининг, барча маорифчиларнинг вазифаларини кўрсатиб ўтди.

— Мураббийларга ҳурматимиз баланд, — деди Узбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчиси **Алишер Азизхўжаев**. — Негаки, ўқитувчи барча касб эгаларига устозлик қилади. Мен ҳар гал илм масканларида бўлганимда устозлар, жажжи ўғил-қизлар билан суҳбатлашаман. Улар бийрон тиллари ила Давлат мадҳиясини айтишади. Эшитиб фахрланаман, кунглим ғурурга тўлади. Сўнгра уларга саволлар бераман...

Бир куни мутасадди раҳбарлар ҳамроҳлигида шаҳар мактабларидан бирига ташриф буюрдим. Ўқувчилар билан суҳбатлашиш жараёнида «Келажакда ким бўлмоқчисан?» деб ҳар бир ўғил-қизга алоҳида савол бердим. Улар олим, муаллим, шифокор, хулласки, барча касбларни тилга олишди. Шулар ичида биттаси «Мен Президент бўламан» деди. Мен унга Президент бўлишинг учун қандай инсон бўлмоғинг керак, дея савол берганимда, ҳеч иккиланмасдан билимдон бўлишим ва халқимни севишим керак, деб жавоб қилди. Ҳар бир ўқувчи ана шу руҳда тарбияланса, Ватанга бўлган фидойилик, садоқатлилик янада қучаяди.

Алишер Азизхўжаев сўзи охирида пойтахт маорифчиларининг таълим-тарбия соҳасидаги асосий вазифаларига алоҳида тўхталиб, фидоий, ватанпарвар, онгли, халқ, миллат тушунчаларини чуқур англайдиган ўғил-қизларни тарбиялаш борасидаги эзгу ишларига омад тилади.

Кенгашда шаҳар халқ таълими тизими ўтган ўқув йили фаолиятлари чуқур таҳлил қилиниши билан биргаликда танқидий мулоҳазалар ва таклифлар асосида янги ўқув йилининг муҳим вазифалари белгилаб олинди.

Музокаралардан сўнг ЮНЕСКО сертификатини олишга муяссар бў

БЕШ ЙИЛЛИК САРҲИСОБ — САБОҚЛАР, РЕЖАЛАР, ВАЗИФАЛАР

(Боши 1-бетда).

публика давлат фан ва техника қўмитаси томонидан экспертизадан ўтказилган ҳамда таълим муассасаларида эксперименталдан ўтмоқда. Ҳукумат қарорига асосан кейинги ўқув йилидан бошлаб, улар босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этилади.

Қисқа вақт давомида, республика раҳбариятининг бевосита ёрдамида мамлакатимиз таълим муассасаларидаги ўқув жараёни муқобил ўқув режалари, янги ўқув дастурлари ва дарсликлари асосида ташкил этила бошланди.

Унда «Узбекистон халқлари тарихи», «Она тили ва адабиёт», «Инсон ва жамият», «Одобнома» каби фанларнинг ўқитилишига қўшимча соатлар ажратилди, «Иқтисод алифбоси», «Иқтисодий билим асослари» каби янги предметлар киритилди, Юқори синф ўқувчилари эса «Менежмент ва маркетинг асослари», «Дин тарихи» каби факультативларни ўзлари танлаб олиш имкониятига эга бўлдилар.

Республикамизнинг ўз Мустақиллигини қўлга киритиши, «Таълим тўғрисида», «Давлат тили тўғрисида» ҳамда «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши муносабати билан ўқув муассасалари олдида мавжуд дарсликларни тубдан қайта ишлаб чиқиш вазифаси турар эди.

Бу катта вазифани кенг илмий жамоатчиликнинг, олимларнинг фаол сафарбарлигини таъминламай, ишни пухта режа асосида ташкил этмай туриб амалга оширишни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу туфайли ўзбек тили ва адабиёти йўналишида олим Умарали Норматов, тарих ва жамиятшунослик фанлари бўйича академик Аҳмадали Асқаров раҳбарлигида муаллифлар гуруҳи иш олиб бордилар.

Фаннинг бошқа соҳалари бўйича ҳам дарсликлар яратишда етарли тажриба орттирган олимлар, амалиётчи педагогларнинг саъй-ҳаракатлари бирлаштирилди.

Натижада 1992—1993 ўқув йили 46 номда 18242000 нусхада, 1993 —94 ўқув йилида 63 номда 22446900 нусхада, 1994—1995 ўқув йилида 60 номда 19191400 нусхада, 1995—96 ўқув йилида 70 номда 2600000 нусхада янги оригинал дарсликлар чоп этилиб, ўқув муассасаларига юборилди. 1996—97 ўқув йили учун 71 номда 22 млн 616 минг нусхада дарсликлар чоп этилиб, жойларга юбориш режалаштирилди.

1994 ўқув йилидан бугунгача 33 номда дастурлар яратилиб, ўқув муассасаларига юборилди.

Ўзбек тилида нашр қилинган дарсликлар қозоқ, тожик, туркман, қирғиз тилларига таржима қилиниб, нашр этилиб, шу миллатлар яшайдиган ҳудудларга юборилянти.

Шунингдек, «Алифбо» бўйича параллел дарслик, «Кимё», «Биология» ва бошқа фанлар бўйича янги оригинал дарсликлар чоп этилди. Дарсликлар сифати ва мазмуни устидан назоратни кучайтириш мақсадида уларни аниқ муддатларда ўқув муассасаларида синаб кўриляпти, ўқув-методик Кенгаш томонидан тасдиқлангач, холис давлат комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, нашр этишга рухсат бериляпти. Жойлардан тушган таклиф ва мулоҳазалар ўрганилиб, дарсликлар нашрдан-нашрга такомиллаштирилмоқда, муаллифлар билан кўп сонли учрашувлар, муҳокамалар ўтказиляпти.

Ёшларга берилган таълимнинг даражаси икки нарса билан ўлчанади. Бири — ўқувчиларнинг билими, иккинчиси — уларнинг ахлоқи, Ўқувчиларимизнинг билимини ўлчайдиган синовлар кўп. Улардан бири олий ўқув юртларига кириш тест-синовларидир. Бу йилги барча олий ўқув юртларига кириш баллари ўтган йилга нисбатан ошганлигини кўрсатди. Яна бир натижа: бу йил ҳам АКСЕЛС йўналишида 50—70 ўқувчилар кўп босқичли тест синовларида юқори кўрсаткичлар кўрсатиб, АҚШда ўқишни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритишди. Ахлоқий жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак ҳам маънавий кўтарилишни кузатиш мумкин. Бунда ўқувчилар ўртасида жиноятчиликнинг камайганлигини таъкидлаш жоиз. Таҳлил шуни кўрсатдики, қонунбузарликлар сони йилдан-йилга камаймоқда. Бунда «Мактаб — Оила — Маҳалла» дастурининг салмоқли ҳиссаси бор, яъни бу кўрсаткич вазирликнинг ички ишлар вазирлиги, республика прокуратураси, ёшларнинг «Камолот» ва «Маҳалла» жамғармалари каби мутасадди идоралар билан ҳамкорлигининг натижасидир.

Вазирлик ихтиёридаги 6 та педагогика институти, 33 та педагогика билим юрти ва 3 та индустриал педагогика техникумларида мутахассислар тайёрланмоқда. Олий таълим олдига қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, мазкур педагогик ўқув юртлари 1993 йилдан бошлаб янги — такомиллашган ўқув режалари билан ишлашга ўтдилар.

Педагогик олий, урта махсус тизимидаги узлуксиз концепция талабларига мувофиқ педагогика институтларида икки босқичли (бакалавр, магистр) кадрлар тайёрлашга киришилди. Республикада педагогик кадрларга бўлган эҳтиёж асосида бу институтларда янги «Инглиз тили», «Тарих — қўшимча иқтисодий билим асослари», «Меҳнат — қўшимча иқтисодий билим асослари», «География — қўшимча иқтисодий билим асослари», «Математика — қўшимча иқтисодий билим асослари» мутахассисликлари очилди.

Юртбошимиз ўқув юртларининг комплекслари ҳақидаги фикрларига асосан Тошкент шаҳри, вилояти, Сирдарё ва Фарғона педагогика институтида «Боғча — гимназия — лицей — институт» ўқув комплекслари иш бошлади. Қолган барча олий ўқув юртлари қошида эса кўп тармоқли лицейлар очилиши ниҳоясига етказилмоқда.

Янги режалар, дастурлар, дарсликлар асосидаги билимни ўқувчиларга ким етказди? Умуман халқ таълими тизимидаги ҳал қилувчи инсон — ўқитувчидир. Агар ўқитувчи ижодкор ва изланувчан бўлса, ўқувчининг билим даражаси ҳам баланд бўлади. Агар ўқитувчи унинг ўзи ёрдамга муҳтож бўлса-чи?..

Хўш, биз бугун ким билан ишлаяпмиз? Болаларнинг тақдири кимларнинг қўлида? Бу саволларга бериладиган жавоблар биз учун бефарқ эмас. Шу нуқтаи назардан олганда, ўтказилган дастлабки аттестация натижаларидан кўнгил тўлмаганлигини эътироф этиш керак. Натижаларга кўра умумий таълим мактаблари ўқитувчилари ичида олий тоифадагилар оз, I ва II тоифа ўқитувчилари ҳам кўпчиликни ташкил этмайди. Бу нимани ифодалайди? Бунга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак.

1993 йилдан бошлаб эса ўқитувчилар билан шартнома (битим) асосида ишлашга ўтилди.

Ўқитувчиларимизни бугунги замон талабларига мос билимлар соҳиби бўлишлари, янги иқтисодий сиёсатга мослашишлари учун малака ошириш институтлари зиммасига қатор вазифалар юкланади. Зеро, муаллимлар янгиланган таълим мазмунини эгаллаган бўлишлари керак.

Юртбошимиз «бозор муносабатига ўтиш даврида талабаларга иқтисодий билимларни, маркетинг, бизнес соҳасида, бизнинг иқтисодий ривожланишимизда бу тушунчаларнинг моҳияти ва роли борасида кўпроқ билим беришимиз мақсадга мувофиқдир» деган эдилар халқ депутатлари Хоразм вилояти кенгашида сўзлаган нутқларида.

Дарҳақиқат, бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчиларни иқтисодий билимлар билан қуроллантириш давр талабига айланди. Иқтисодий билимларни Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда мактабгача тарбия муассасаларидан бошлаб, узлуксиз таълимнинг барча босқичларида ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фанлар таркибида ва алоҳида фан сифатида давлат компонентига киритилди.

Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги иқтисодий ислоҳот, тадбиркорлик ва хорижий сармоялар бўйича идораларо кенгашнинг 1996 йил 16 мартдаги «Узбекистон Республикасида иқтисодий таълимни ташкил этишни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида қарори асосида вазирликнинг 92-сонли «Халқ таълими муассасаларида иқтисодий таълим-тарбияни такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи чиқарилди.

Мазкур буйруққа асосан республика умумий таълим мактабларининг 1—11-синфлари учун 1996—97 ўқув йили ва 2000 йилгача мўлжалланган таянч ўқув режаси ишлаб чиқилди.

Яқинда «Маърифат» газетасида «Узлуксиз иқтисодий таълим концепцияси»нинг лойиҳасини эълон қилдик. Галдаги вазифа мазкур концепцияни ҳар томонлама муҳокама қилиб, уни мукаммал ҳолатга келтиришдир.

Иқтисод таълимида бугун ҳаётимизда содир бўлаётган бозор муносабатларининг талаблари — ҳусусийлаштириш, маркетинг, бозор иқтисодиётида талаб ва таклиф, солиқ сиёсати ва ҳоказо қатор мавзулар ўтиладики, ёшларда мавжуд тизимимиз борасида конкрет тасаввур бўлади.

Ўтган беш йилда ҳуқуқий таълим-тарбия тизимини яратиш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилди. Хусусан, ҳуқуқий таълим ва тарбиянинг давлат стандартлари лойиҳалари ишлаб чиқилди. Унда ўқувчи қандай ҳуқуқий билим, қуникма ва тушунчаларга эга бўлиши белгиланган. Ҳозирги пайтда стандартлар талаблари асосида мавжуд дарсликлар ва дастурлар қайта кўриб чиқилмоқда, янгилари яратилмоқда. «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Одобнома» ҳамда «Ҳуқуқшунослик» фанларидан дарсликлар яратилиб, чоп этилди ҳамда жойларга етказилди. Таълим муассасаларида «Узбекистон Республикасининг конституцион ҳуқуқ асослари» факультатив курслар жорий этилди, умумтаълим фанлари Конституцияни мамлакатимиз қонунларини ўрганиш бўйича тегишли методик тавсияномалар ишлаб чиқилди. Шунингдек, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 июндаги «Ёшларнинг ҳуқуқий таълимини такомиллаштиришнинг комплекс дастури тўғрисида»ги қарорини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида халқ таълими тизими барча муассасалари учун ҳуқуқий таълим тўғрисида Низом ишлаб чиқилди ва жойларга ижро учун юборилди.

Мустақил давлатимиз тарихида жорий йилда биринчи маротаба ўтказилган республика педагогик ўқишлари мазкур ишларни жонлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Педагогик ўқишларнинг «Инсон ва жамият», «Давлат ва ҳуқуқ асослари» шўъбаси томонидан ҳуқуқий таълимни такомиллаштириш, ҳуқуқий билимларни тарғибот қилиш тўғрисида тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Умумий таълим мактабларида ўқувчилар билимини тест синовлари усули билан аниқлаш, эришилган натижаларни рейтинг асосида белгилашни амалиётга дадил олиб кирилмоқда. Тўғри, бу масала ҳали синов босқичида турибди. Лекин яқин келажакда ўқувчилар билимини тест асосида аниқлашни чораклар, ярим йил, ўқув йили якунига кўра белгилаш тадбирлари кўриляпти. Бу услуб вилоятлар марказий шаҳарлари, Тошкент шаҳри мактабларида синовдан ўтказилди. Айтиш мумкинки, синов натижалари кўнгилдагидек бўлди.

Мустақиллик йилларида таълим тизимида жорий этилган бир янгилик — бу таълим муассасалари ва ўқув юртларини давлат аттестацияси ва аккредитациясидан ўтказишдир. Ҳукумат ва вазирлик томонидан қабул қилинган Низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар аттестация ва аккредитация ўтказишнинг асосий нормалари, принципларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибларини белгилайди.

Аттестация жараёнида асосий эътибор ўқувчилар ва талабалар томонидан давлат дастурларида белгиланган материалларнинг узлаштириш даражасига қаратилмоқда. Бу педагогик диагностика асосида аниқланмоқда. Бундай таҳлилнинг афзаллиги шундаки, биринчидан, ҳар бир ўқитувчининг, педагогик жамоанинг фаолиятига, ўқувчилар ва талабаларнинг билим даражаларига баҳо бериш мумкин, иккинчидан, фанлар бўйича темалар қандай узлаштирилганлигини белгилаб бериш имконияти бор.

Жамиятнинг илмий ва маънавий ривожлантириш манфаатлари янги типдаги ўқув муассасаларини кўпайтириш ишига алоҳида талаблар қўяди. Шунинг учун ҳам республикада уларнинг сони тез суръатлар билан ўсмоқда. Агар 1991—92 ўқув йилида янги типдаги ўқув муассасаларининг сони 16 та бўлган бўлса, 1995—96 ўқув йилида 178 лицей, 104 гимназия фаолият кўрсатди.

Янги типдаги ўқув муассасалари ҳақида гап кетганда одатда унинг жаҳон стандартларига мос келишини таъкидлаймиз. Демак, мазкур илм даргоҳининг ўқув тизимида жаҳондаги энг ривожланган илмгоҳларнинг илғор педагогик технологиялари мавжуд. Бундай таълим муассасаларининг вужудга келишида, албатта, чет эллар билан алоқаларимиз асосий ўринни эгаллайди.

Кейинги 5 йил ичида АҚШнинг тинчлик корпуси, Британия фонди, Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармаси, Гёте институти, АҚШнинг таълим ва тил ўрганиш бўйича ҳамкорлик ташкилоти, Туркиянинг «Силим» ширкати билан фаол ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Вазирлик Дания, Корея, Исроил, Хитой, Япония таълим муассасалари билан Франция, Германия, Голландия каби мамлакатларнинг Узбекистондаги элчихоналари ҳамда БМТ, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг Тошкентдаги ваколатхоналари билан узвий ҳамкорлик ўрнатди. Бу ҳамкорликларнинг асосий йўналишлари Ватанимиз ўқувчиларининг хорижда, хорижий давлатлар ўқувчиларини мамлакатимизда таълим олишини йўлга қўйиш, ўқитувчиларнинг халқаро анжуманлари, семинарларини стажировкаларини ўтказиш, ҳамкорликда дарсликлар яратиш, тажриба алмашиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Чет эл педагогикасидаги илғор технологияларни ўрганиш иши ҳам вазирликнинг доимо диққат марказида турибди. Шу мақсадда ўқувчилар ва ўқитувчиларни, таълимни бошқарув муассасалари ходимлари, йирик педагог олимларни чет элларга чиқариш кенг кўламда амалга оширилмоқда. Республикамизнинг ўз Мустақиллигини қўлга киритиши бу мақсадларни рўёбга чиқариш учун кенг имкониятлар яратиб берди.

Ҳозиргача 800 га яқин ўқувчи чет элларда таълим олиб қайтдилар. 200 га яқин ўқитувчилар ва таълимни бошқарув бугунининг мутахассислари, олимлар хорижий давлатлар педагогикасидаги илғор жиҳатларни ўрганиш мақсадида стажировкаларда, халқаро семинар ва симпозиумларда бўлиб қайтдилар.

ЮНЕСКО ташкилоти республика мактабларидан 13 тасини халқаро «Бирлашган мактаблар дастури»га киритишни лозим топди. Бу мактабларга ЮНЕСКО ишлари бўйича республика миллий комиссияси томонидан сертификатлар топширилди.

Халқ таълими тизимида шу кунгача амалга оширилган ижобий ишлар қаторида ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам бор.

Айрим педагогик жамоаларнинг ҳануз эскича ишлаши кузатиляпти. Педагогик кадрларнинг қўнимсизлигини бу ҳолга қўшсангиз ташвишингиз ортади. Айрим ўқитувчиларнинг турли баҳоналарни рўкач қилиб, мактабни тарк этишлари бизни ташвишга солмоқда. Зеро, фидойи, муаллимликни ташлашни ўз қалбига хиёнат деб билган болапарвар ўқитувчиларимиз ёш авлодни тарбиялашда давом этмоқдалар.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар мактабдан то вазирликкача бўлган барча погоналарда бошқарувнинг шакл ва мазмунида ўзгаришлар киритишни тақозо этмоқда. Кун тартибида республикамиз ривожининг ҳозирги босқичи талабларига жавоб берадиган, бир томондан жойлардаги таълим муассасалари раҳбарларига кенг мустақиллик берадиган, иккинчи томондан эса давлат ва жамият томонидан тегишли назоратни таъминлайдиган таълим бошқаруви тизимини ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Сир эмаски, йиллар давомида таълим муассасалари раҳбарларининг, айниқса, мактаб директорларининг ҳуқуқлари чегараланиб келинарди. Ҳозирги пайтда аҳвол тубдан ўзгарди. Республика ҳукумати томонидан ўтган йили тасдиқланган «Узбекистон Республикасининг умумтаълим мактаби тўғрисида Низом» талабларига кўра мактабни давлат, жамоатчилик томонидан бошқариш демократия, ошкоралик, ўзини-ўзи бошқариш асосида амалга оширилди. Мактаб директорига ходимларни битим тузиш асосида ишга қабул қилиш, тўлов қоғозлари бўйича ва чек дафтарлари бўйича ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш, амалдаги қонунчиликка мувофиқ бухгалтерия ва статистика ҳисоботини мустақил равишда олиб бориш, чет эл таълим ўқув юртлари билан шартномалар тузиш, ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаларини ташкил қилиш ва бошқа қатор, олдин белгиланмаган ҳуқуқлар берилди. Шулардан келиб чиқиб, мактаб раҳбарининг асосий вазифаси берилган ҳуқуқлардан оқилона қонун ва қоидалар доирасида фойдаланиб, таълим ва тарбия жараёнини такомиллаштиришдан иборатдир. Шу муносабат билан туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, вилоятлар халқ таълими бошқармаларининг Низомларини ҳам қайта кўриб чиқиш тақозо қилинади. Улар бошқарувдаги асосий фаолиятларни таълим тизимидаги объектларга эмас, балки таълим ривожи жараёнига қаратишларига тўғри келади.

Шу маънода ҳар бир таълим муассасаси, ўқув юрти, таълим бошқарув органи истиқбол дастурига эга бўлиши керак.

Ҳа, Халқ таълими вазирлиги олдида турган асосий вазифалар белгилаб олинган. Аввало ёшларимизни Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига содиқлик руҳида тарбиялаш, уларда фуқаролик ҳиссини кучайтириш, юртбошимиз иборалари билан айтганда «Элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган» ёшларни вояга етказишимиз лозим.

Ҳамма фанлар ва ихтисосликлар бўйича давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, аттестациядан ўтказиш, ҳамда босқичма-босқич жорий қилиш галдаги вазифамиз ҳисобланади.

Таълим жараёнига янги педагогик технологияни жорий этиш тезда бажарилиши лозим бўлган ишдир. Яна бир асосий вазифамиз, бу — янги авлод педагогик кадрларни тайёрлашга киришишимиз лозим. Бу ҳаракатни мактабданоқ йўлга қўйишимиз, тайёрлашимиз зарурдир.

Болаларни мактабга тайёрлаш масаласи ҳам жуда муҳим. 2000 йилга бориб, мактабнинг биринчи синфига борадиган бола ўқишга тайёр бўлиши керак. Бунинг учун Қонунда белгиланган оилавий таълимни, мактаб ҳамда ота-оналар ҳамкорлигини кучайтиришимиз лозим бўлади. Чет тилларини ўқитиш ва ўрганиш масаласида туб ислоҳотларни амалга оширишимиз керак. Асосий мақсад: ўқувчиларимизнинг янги аср бошига бориб (ўз она тили билан бирга) камида уч тилни мукаммал билишларига эришиш.

Таълим ва тарбия жараёнига информацион технологияларни кенг жорий этиш ҳам жуда зарур. Шу мақсадларда умумтаълим мактабларини асосан компьютер техникаси билан таъминлашни тугатишимиз, «Электрон почта» орқали ҳамма вилоятларни илғор чет эл марказлари билан боғлашимиз ишнинг сифатини оширади.

Таянч таълим учун асос қилиб олинган бошланғич таълимда лотин графикасига асосланган ўзбек алифбосини тўла жорий этишимиз шартдир. Мазкур вазифани амалга ошириш учун тегишли дастурлар, дарсликлар ва бошқа адабиётларни ишлаб чиқиш ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифамиздир.

Юқорида зикр этилган ва бошқа қатор масъулиятли вазифаларни амалга ошириш катта куч ва масъулиятни талаб этади. Уларни бажариш учун бутун жамият сафарбар этилиши лозим. Шундагина биз ўзимизнинг олдимизга қўйилган мақсадларимизга эришамиз. Бунга ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ.

Азиз устозлар, меҳрибон мураббийлар, Сизларни Мустақиллик байрами, янги ўқув йили билан самимий табриклайман. Соғлик, омонлик, ижодкорлик Сизга ҳамроҳ бўлсин!

Мустақилликнинг беш йиллигига

ҚУТЛУҒ САНА ШОДИЁНАСИ

Мустақилликнинг беш йиллик байрами арафасида Тошкент шаҳридаги Қучқор Турдиев номли 59-мактабда бўлиб, у ерда мазкур тантанага қандай тайёргарлик кўрилаётгани билан танишдик. Мактаб дарвозасидан ҳовлига киришимиз билан байрам нафаси уфуриб турганини ҳис қилдик. Уч қаватдан иборат мактаб биноси, спорт зали ва майдончалари, синфхоналар байрамона безатилган. Илмгоҳ фойесига кирган кишининг нигоҳи девордаги Республикамизнинг байроғи, герби ҳамда мадҳиясига тушади.

Биз мактабнинг синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Мели опа Шариповадан республикамиз тўйини қандай кутиб олаётганликларини сурадик.

— Билим масканида мазкур санага тайёргарлик ишларини анча аввал бошлаб юборганмиз, — деди у. — Тузиб чиққан тадбирларимизга кўра байрам шодиёнаси эрта билан ўқувчилар линейкаси ўтказиш билан бошланади. Линейкада фахрий ўқитувчилар, маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари, таниқли артистлар иштирок этадилар.

Мактабимизда мазкур байрам ҳафта, декада мобайнида давом этади. Ҳар бир ўқитувчи Мустақилликка бағишлаб ўтадиган биринчи дарсга пухта ҳозирлик кўриб қўйган. Бу сабоқларда мустақилликка эришгандан кейинги даврдаги ўзгаришлар ва қўлга киритилаётган сиёсий ҳамда иқтисодий соҳалардаги ютуқлар ҳикоя қилинади. Бундан ташқари таниқли олимлар, меҳнат фахрийлари билан Ўзбекистоннинг ҳозирги ва буюк келажаги ҳақида суҳбатлар, учрашувлар уюштирилади. Сентябрь ойида соҳибқирон бобомиз Амир Темур музейи ҳамда хиёбонига, Ўзбекистон миллий боғига экскурсиялар уюштирилади.

Мактабда рақс (мусиқа раҳбари Тўра Ҳусаинов) ҳамда бадиий адабиёт (раҳбари Манзура Исмоилова) тўгаракларида фаолият кўрсатади. Ана шу тўгарак аъзолари иштирокида «Ватанни севмоқ иймондандур» кўрик-танлови, «Ўзбекистон — Ватаним маним» мавзуида конференция ўтказилади. Мақсад — ўқувчиларнинг жонажон Ўзбекистонимизга бўлган меҳрини ошириш, унинг тарихини кенгроқ, мукаммалроқ ўргатишдир.

Д. ХЎЖАЕВА.

Мактабгача тарбия муассасаларида

ЖАЖЖИЛАР АРДОҚДА

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида жойлашган 432-болалар боғчасида 250 нафарга яқин жажжилар меҳр оғушида тарбияланмоқда. Боғчага ўз касбининг фидойиси, дилбар ва назокатли аёл Саломат Тошпўлатова қарийб 8 йилдан буён раҳбарлик қилиб келмоқда. Опа бу ерда амалга оширилаётган ишлар ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— «Соғлом авлод учун» дастурини амалга ошириш учун бир талай эътиборга молик ишларни амалга оширдик. Болажонларнинг сиҳатсаломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг жисмонан соғлом ва бақувват ўсишлари учун ҳар хил қизиқарли ўйинларни, спорт мусобақаларини тез-тез ўтказиб туришга алоҳида эътибор бераяпмиз.

Масканимизда экология кабинетининг мавжудлиги болалар учун ҳам, тарбиячилар учун ҳам маъқул бўляпти. Ҳар хил анвойи гуллар, қўён, балиқ, сайроқи қушлар, тошбақаларни «жонли бурчак»ларда парвариш қилаяпмиз. Уларни боқиш ва парваришлаш орқали жажжилар қалбида жонли табиатга меҳр-муҳаббат учқунларини пайдо қилаяпмиз. Бундан ташқари бу ерда фарзандларимизни инглиз тилини пухта ўрганишлари учун махсус синфлар ташкил қилинган. Шунингдек, болакайларга иқтисод алифбосини ҳам ўргата бошладик. Илғор тарбиячиларимиздан Х. Адҳамова, С. Ресмирица, Р. Ибраева, Ф. Аҳмедовалар ҳар бир боланинг қалбига йўл топиб, мазкур юмушларни кўнгилдагидек қилиб уддалашмоқда.

Бизнинг асосий вазифамиз одоб-ахлоқли, жисмонан соғлом, меҳнатсевар, ростгўй, ҳалол, она-Ватанимизга садоқатли фарзандларни тарбиялашдан иборат бўлиб қолаверади.

Улуғбек ЖУМАЕВ.

Суратларда: 1. Мудира С. Тошпўлатова ўз жажжилари билан. 2. Футбол болаларнинг жону дили. 3. Экология кабинетида.

Янги ўқув йилига тайёрмисиз?

ҚОВУН ПЎЧОҒИ ЕРГА ТУШДИ

бундан буёғига кузнинг кўзи очилади

Янги ўқув йилига ҳам «ҳо-ов» деса етгулик вақт қолди. Халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов бошчилигидаги кузги-қишки мавсумга тайёргарлик штаби аъзолари қарийб икки ой давомида республика миқёсидаги ўқув муассасаларини назардан ўтказишди. Хулосалар чиқаришди. Керакли ёрдам кўрсатишди. Куни кеча штаб аъзолари — «Таълим-таъминот» бошқармаси бошлиғи Баҳодир Ҳамидов, молия бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Ғуломов, лойиҳалаштириш институти директори Худойқул Имомов, капитал-қурилиш бошқармаси бўлим бошлиғи Нуриддин Атаметовлар, вазир ўринбосари **Муртазо СУЛТОНОВ** етовида сўнгги манзиллар — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ҳамда республика Маданият уйида бўлишди.

Пединститутнинг халқ таъбири билан айтганда «хрушчовка» биноси қуланқасида тўпланиб, кўздан кечирмоққа киришилди. Институт раҳбарияти (ректор Баҳром Қодиров ва бошқалар) ҳамроҳлигида, даставвал, ҳовли назардан кечирилди. Ҳовлининг бир бурчида «қимтинибгина турган» ошхонада ҳали таъмир давом этяпти экан. Биргина киши қулида челагу қоришма билан ғимирлаб юрибди. Ошхонадан қўл узатгулик ерда жойлашган ҳожатхона ҳам тартибсиз бўлиб ётибди. Институт раҳбарияти, ётоқхоналар таъмири тугагач, сўнг бу ерга ўтилади, дея изоҳ беришди.

Бадиий графика ва инженер-педагогика факультетлари йўлнинг нариги бетида жойлашган экан. Факультет ҳовлисига қадам қўйишимиз билан куз келганини яна бир бор юрак-юракдан ҳис этдик. Чунки, ҳовлидаги ўт-ўланлар (жумладан, янтоқлар ҳам) тилларанг товланиб турибди. Бу сариқ қуланка ичида ўтган йили оқланган дарахтларнинг «оқ излари» элас-элас кўзга ташланади. Бошланғич таълим методикаси факультети ҳовлисида ҳам ҳаминқадар аҳвол. Канализация қувурларига ўралган алламбалолар осилиб ётибди.

Ўқув биноларининг ичи анчайин дуруст. Даргоҳ баҳоли қудрат баъзиларини таъмирлаган. Баъзиларини сақлашга ҳаракат қилган. Бизга институт қошидаги лицей биноси жуда маъқул бўлди. Бу ердаги хоналарнинг барчаси (ота-оналар кумагида) таъмирдан чиқарилибди. Жуда файзли ва сариштали. Институт ректори Баҳром Қодировнинг айтишларича, бу йил лицейни хатм қилганларнинг қарийбки барчаси олий ўқув юртига кирган. Бу, албатта, лицей савиясини белгилайди.

Институтнинг «хаста томони» ётоқхоналарда экан. Бешинчи ва олтинчи ётоқхоналардаги аҳвол анча ғариблашгани сабаб, бу ер ёпилиб, бошдан-оёқ таъмирга топширилибди.

— Анча маблағ зарур, — деди гап орасида Баҳром Қодиров.

Ҳозиргача олий даргоҳга капитал қурилиш учун 2,5 миллион пул ажратилибди. Вазир ўринбосари Муртазо Султонов Шуҳрат Ғуломовга яна маблағ ажратиб бериш ҳақида кўрсатма берди.

Кузатув асносида институт тарихи музейини ҳам кўздан кечириб ўтдик. Йиллар. Йўллар. Тарих... Дарвоқе, институтнинг ўзи ҳам катта йўлнинг бошида турибди. Биз истаймизми-истамаймизми, бошқа кўчаларга шу даргоҳ орқали чиқилади. Хулоса шуки, ушбу ўқув юртига эътибор манзилнинг (халқимиз кўзлаётган манзилнинг) танобини тезроқ тортади.

Очиғи, Халқ таълими вазирлиги қошида Маданият уйи борлигини, унинг дасталари, вилоятларда бўлимлари мавжудлигини билмасдим. Баҳонаи сабаб, билдик. Кўрдик. Маданият уйи директори Аҳмаджон Музаффаров бизни даргоҳи билан таништирди. Хоналарини кўрсатди. Жуда яхши. Дидли, сариштали. Маданият даргоҳи-да. Бироқ, жимитдай жойга ўрнашган экан, маданият уйи.

— Кенг — мўлгина жойимиз бўлса. Дасталаримиз ҳар жойда, тарқоқ машқ қилмай, бир жойда иш олиб борса, — дея орзулади Аҳмаджон Музаффаров.

Биз бу мавзуга яна қайтмоқни ниятладик.

Асқар ШОКИР.



ЮКСАК ҚЎШИҚЛАРДА ҚЎЙЛАНГАН ВАТАН

Мамлакатимиз аҳолисининг етти яшаридан етмиш яшаригача бодиққат кузатиб турган юксак тадбир — Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг қутлуғ беш йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — Ватаним маним» Республика қўшиқлар кўрик-танлови поёнига етди. Кўрик-танловнинг якуний қисми 24-26 август кунлари пойтахтнинг «Туркистон» саройида юксак кўтаринкилик руҳида бўлиб ўтди. Ушбу кўрик-танловни ўтказиш ташкилий қўмитасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков тадбирнинг сўнгги босқичини оча туриб, жумладан шундай деди: «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови халқимизга Ватанимиз шон-шарафи юксак пардаларда куйланган қўшиқлар инъом этди. Бундай тадбирларни ўтказиш биз учун анъана бўлиб қолса ажабмас».

Мазкур кўрик-танлов ташкилотчилари ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Ўзтелерадиокомпанияси, Ўзбекистон Бастакорлар ва Ёзувчилар уюшмалари ҳамда Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази тадбирнинг барча босқичлари каби якуний қисмини ҳам уюшқоқлик ва байрамона тусда ўтказишга муваффақ бўлдилар. Таниқли бастакор, «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси раҳбари Анор Назаров раислигидаги ҳакамлар ҳайъати эса барча иштирокчиларнинг чиқишини холис ва ҳаққоний баҳолашга ҳаракат қилдилар. Дарвоқе, ҳакамлар таркибида Рустам Абдуллаев, Дилором Омонуллаева, Ашурали Жўраев, Хуршид Даврон, Жуманиёз Жабборов, Алишер Икромов, Фарруҳ Зокиров, Абдусаид Кўчимов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Хайриддин Султонов, Абдуҳошим Исмоилов, Муҳтарама Улуғова, Муҳаммад Юсуф, Раим Фарходий каби шоиру ёзувчилар, бастакорлар, ҳофизу хонандалар бор эди.

Мен ҳам, бир томошабин сифатида қўшиқларни тинглар эканман, ўзимга маъқул тушган, кўнглимга ёққан қўшиқларни қўлимдаги дастурга белгилаб бора бошладим — танлов сўнггида кўрдимки, дастурда биронта ҳам белгиланмаган қўшиқ қолмабди. Демак, қўшиқларнинг барчаси сара, барчаси маъқул, кўнгилга яқин. Томошабинларнинг ҳаяжонли олқишларидан ҳам билдимки, бу ерда ижро этилаётган қўшиқларга ҳеч ким бефарқ эмас. Хонандалар ўзини-да, ўзгаларни-да унутиб, овозининг авжидан ўзининг-да, ўзгаларнинг-да вужудини титратган ҳолда куйламоқдалар. Айниқса, танловнинг энг ёш қатнашчиси (олти яшар) Дилшодбек Каттабеков ижросидаги «Озод элнинг ўғлиман» қўшиғи, Тошкент вилоятида ғолиб бўлган ўн икки ёшли Бахтиёр Умировнинг «Она юртим» ашуласи барчага манзур бўлди. Шунингдек, халқ таълими тизимида биринчиликни қўлга киритган республика ўқувчилар саройининг «Бойчечак» болалар хор жамоаси ижросидаги «Юртим баҳори» қўшиғи ҳам катта қизиқиш уйғотди. Болаларга хос содда ва самимий ушбу қўшиқлар кўнгилларда эзгу ният каби муҳрланди, ҳамманинг хотирасига ўрнашди.

Мазкур танлов ҳақида кўпгина томошабинларнинг фикрини сураганимда, уларнинг барчасидан ҳам деярли бир хил жавоб олдим. Улар кўрик-танлов ҳақиқий қўшиқ байрамига айланиб кетганлигини, умуман ушбу танлов боисидан бу йил қўшиқлар йили бўлганлигини ва бу қўшиқларнинг ҳаммаси ҳам яхши таассурот уйғотганлигини таъкидладилар. Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллат вакилларининг шу Ватанни улуғлаб, жўшиб қўйлаётганликлари ҳам диққатга сазовордир.

Бу танловда халқимиз эришган буюк Истиқлол ўзининг қўшиқларидаги тўла маъносини топди. Ватанни, халқни, дўстликни, тинчликни тараннум этувчи қўшиқларнинг барчаси ҳам том маънода Ватанимиз Истиқлоли ҳақида бўлди.

«Одатда инсон ўз кўнглида муқаддас билиб юрган туйғуларингинга шеърга солади, қўшиқ қилиб куйлайди, — дейди кўрик-танлов ҳакамлар ҳайъатининг раиси Анор Назаров. — Ватан туйғуси ана шундай юксак туйғудир. Мен бу танловда юксак қўшиқларда куйланаётган Ватан туйғусини ҳис қилдим. Ватанни мадҳ этаётган ушбу қўшиқлар тингловчилар қалбида она-Ватанимизга, Истиқлолимизга бўлган меҳрни, муҳаббатни янада кучайтиради, бу жиҳатдан «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танлови ўз қадр-қиймати ва тарихий аҳамиятга эгадир. Озод Ватанда яшаб, шундай танловларда қатнашиб, бахтимизни ўз қўшиқларимизда улуғлашнинг ўзиёқ биз, барча ижодкорлар учун катта шараф, катта мукофот».

Қўшиқ байрамининг сўнггида, нуфузли ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиблар аниқланди. Ҳайъат фикрига кўра, биринчи ўрин ҳеч кимга берилмайдиган бўлди — мутлақ ғолиб учун махсус ясалган муъжизакор «Ҳумо қуши» навбатдаги танловгача сақланадиган бўлди. Учта иккинчи ўрин учун Мудофаа вазирлигидан Асатилло Ҳолиқовнинг «Ўзбекистон аскарлари», қорақалпоғистонлик Роза Кутекееванинг «Мустақиллик гуллари» ва Тошкент вилоятидан қатнашган ёш иштирокчи Бахтиёр Умировнинг «Она юртим» қўшиқлари муносиб кўрилди. Учта учинчи ўринни Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигидан Саломат Иброҳимова («Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиғи), Павел Борисов («Мен сени севаман, Ўзбекистон» қўшиғи) ва София Сафтарова («Ватан ягонадир» қўшиғи) қўлга киритдилар. Шунингдек, сирдарёлик иштирокчи Дилшодбек Каттабеков, корейс миллий маданият марказидан Галина Шин ҳамда навоийлик жўровозлар Владимир Колесников ва Қодир Жўрақуловларга рағбатлантирувчи ўринлар берилди. Ғолибларга кўрик-танлов дипломлари ва мукофотларни Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов топширди. Республика вазирликлари, уюшмалари, хайрия жамғармалари ва турли ташкилотлар ҳам қатнашчиларга ўз эсдалик совғаларини топширдилар.

Сўнгсўз ўрнида айтиш мумкинки, мазкур кўрик-танлов боис, мамлакатимизнинг турли нуқталарида яратилган 10 мингдан зиёд қўшиқлар Мустақиллигимизнинг беш йиллик тўйига сара тўёналардан бўлди.

Икром БЎРИБОЕВ.

Суратларда: 1. Қўшиқлар кўрик-танловида Тошкент вилоятидан қатнашган 12 ёшли Бахтиёр Умиров фахрли иккинчи ўринни қўлга киритди.2. Иштирокчиларни мукофотлаш маросими ғоят ҳаяжонли кечди.

Р. ШАРИПОВ ва Р. ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ҳаким НАЗИР

СЎЗ САНЪАТИ ВА ТАЪЛИМ

(«Кундалик» дафтардан)

Педагогика билан сўз санъатини бир-бирига қўшилганда болалар адабиёти туғилади.

*

Болаларда оталар ишига дахлдорлик, катта ишларга алоқадорлик ҳис-туйғуларини етиштириш — муҳим вазифамиз.

*

Болалар адабиёти болаларни кичик инсонлар деб тан олиш ва уларга ишонишдан бошланади.

*

Болаларга ёзганда ўз ёшимни унутиб, қайта туғилгандай бўламан. Лекин кексайганда қайта туғилиш осон деб ўйламанг.

*

Болаларга ёзиш — пок мурғак қалбга эзгулик уруғини сочиш. Бу уруғнинг униб чиқиб, нишона берганини кўришдан ҳам қувончлироқ нарса борми!

*

Болалар адабиётида панд-насиҳат керакми? Керак, албатта. Лекин уни ялангоч ҳолда, ғашни келтирадиган, ошдаги тошдай тишга тегадиган қилмай, гўзал бадиий либосга ўраб бериш керак.

*

Ҳақиқий болалар ёзувчиси болалар руҳий дунёсини ўзиникидай сезади, болалар оламида ўзини худди сувдаги балиқдай бемалол, эркин ҳис этади. Болалар билан уларнинг ўқишлари, ўйин-кулгилари, орзу-интилишлари ҳақида сўзлашадими ёки катта ҳаёт муаммолари устида суҳбатлашадими, ўз яқин одамларидай тил топишади, «ичларига кириб» кетади.

*

Муаллим ҳам ижодчи. У бутун кучи — истеъдодини сарфлаб, болада инсоний характерни яратади.

*

Жўжа дастлабки қадамларида алпанг-талпанглаб йиқилса, кулманг. У тезда хўроз бўлиб қичқириб, сизни уйқудан уйғотади.

*

Болалар ёзувчиси болаларча синчков ва қизиқувчан бўлгандагина бола дилига йўл топиб, унинг руҳий оламига кира олади.

*

Баъзи ўртоқлар: болаларга яхшилик ҳақида кўпроқ ёзган маъқул, дейишади. Шуни унутмайликки, кўпинча яхшилик ҳимояга, қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади. Уни ҳимоя қилиш учун эса кучли бўлишинг, зарур келганда курашга тайёр туришинг лозим. Демак, вазифамиз — ҳаётда фақат нима яхшилигини эмас, нима ёмон ва нимага қарши кураш зарурлигини ҳам кўрсатиб беришдан иборат.

*

Бола тарбиясига бола туғилмасдан олдин киришиш керак, деганлари тўғри. Ахир, қозонда бўлмаса, чўмичга чиқармиди. Ўғитланмаган заминда экин ўсиб унармиди.

*

Болажон халқмиз деб фахрланишни биламиз-у, аммо баъзан болалар ризқини қирқишнинг уволидан қўрқмаймиз.

*

Бир шиша ароққа беш-олти чирвонни аямаймиз-у, боламизга уч-тўрт сўмлик китоб олиб беришга қўлимиз «қисқа»лик қилади.

*

Улфатлар билан чақ-чақлашиб ўтиришга бутун кунимизни сарфлаймиз-у, фанзандларимиз билан уларнинг ўқишлари ва юриш-туришлари устида бемалол суҳбатлашишга бирон соат фурсат тополмаймиз.

*

Ўзини тутолмаган одам қанақа қилиб боласини тутиб, йўлга сола олади!

*

Болага муҳаббат икки хил: кўр-кўрона муҳаббат (товуқ ўз жўжасини папалагандай) ва талабчан муҳаббат (бургут ўз учирма бўлган боласини осмони фалакка дадил учириб чиққандай).

*

Қийшиқ ўтқазилган ниҳолдан тўғри дарахт ўсиб чиқиши гумон.

*

Катталар адабиёти учун ўқувчиларни болалар адабиёти етиштириб беради.

*

Болаларда одамийлик фазилатларини уйғотиш, қалбларида она сути билан кирган сара уруғларни ундириш — шарафли бурчимиз.

*

Одам қанча улғаймасин, ҳар чоғ унга болалик табиати ҳамроҳ. Ҳаётдан ҳеч қачон тўймаслик, доим олға ундовчи куч шудир!

Ҳулласи...

КИТОБНИНГ ДАВОМИ ҚЎРҒОНДА

«Ҳаётда ҳар бир унсур давомийдир». Шундай фалсафа бор. Кўрғон вилояти санаторий-профилакторийсининг бош врачи Александр Климай юқоридаги ақидага қўшимча қилди: «Ҳаётдагина эмас, китобларда ҳам давомийлик бўлиши керак». Ва бу ғояни амалга татбиқ эта бошлади. Кетма-кет унинг қалами остидан Михаил Булгаковнинг «Мастер ва Маргарита», Александр Беляевнинг «Одам-амфибия», «Хўжа Насриддин» каби китобларнинг давоми чиқа бошлади. Вилоятда машҳур бўлиб кетди. Тез кунларда «Саҳронинг оқ қуёши-2» киноромани нашрдан чиқади.

ЗИЁРАТ

Новгород вилоятининг Первомайск қишлоғига Коми Республикасидан Федор Брагин деган уруш фахрийси келиб, ўз қабрини зиёрат қилиб кетди. Бу ердаги биродарлик қабристонида ўрнатилган ғариб-тина ёдгорликда унинг исми-шарифи ҳам дарж этилган эди.

1942 йилда ушбу манзилда бўлиб, ўтган жангларда Брагин қаттиқ яраланади. Ҳалок бўлган жангчилар қатори уни ҳам қабрга қўйишади. Бахти чопиб, тирик қолган жангчининг бошидан кўп воқеалар кечади. Немислар қўлида асирлик, ГУЛАГда тутқунлик...

Яқинда Федор Брагин расман уруш қатнашчиси дея тан олинди.

ОДАМХЎР БЎРИ

Ҳиндистоннинг Ўттар-Прадеш штатининг Чилбила қишлоғига мамлакатнинг энг машҳур овчилари йиғилишди. Улар олдига бу ерда кейинги пайтида жиғилдонига ҳўп эрк бериб юборган бўрининг танобини тортиб қўйиш вазифаси қўйилди. Йиртқич шу вақттача 19 кишининг ҳаётига зомин бўлди. Унинг охирги қурбони 2 яшар бола. У онаси билан ташқарида ухлаб ётганида, бўри уни бўғизлаб ташлаган.

Энди бу ёғи овчиларда қолди. Агар улар ишни эплай олишмаса, қишлоқ аҳли юқорироқ жойларга мурожаат қилишларини айтишмоқда.

ХАЛОСКОР МАЙМУН

Одатда, маймунлар, айниқса, гориллалар жиғига текканларни кўпам хушлашмайди. Ҳатто, ўлдириб қўйиш даражасигача боришади. Бироқ, Чикаго ҳайвонот боғида бунинг тескариси бўлди. Уч ёшли бола тўсиқ устига чиқиб, маймунларга «маймун кўрсатаётиб» бирдан ичкарига йиқилиб тушди. Қаттиқ жароҳатланди. Шу чоқ гориллалардан бири келиб, уни оҳиста кўтарди-да, эшикча ёнига олиб келиб қўйди. Ҳозир бола касалхонада.

ана шунақа гаплар.

Футбол

МАЙДОННИНГ КАТТАСИ

Футбол бўйича Осиё кубоги учун мусобақалар давом этаяпти. Маълумки, Ўзбекистоннинг тўрт карра чемпиони Фарғонанинг «Нефтчи» жамоаси чемпионлар кубогида икки бор Тожикистоннинг «Ситора» жамоаси билан куч синашди. Ҳар икки ўйинда ҳам фарғоналик футболчилар бир хил: 4:1 ҳисобида ғалаба қозондилар. Энди улар кубок мусобақасининг навбатдаги босқичида Ироқнинг «Завра» клуби билан учрашадилар. Наманганнинг «Навбаҳор» клуби эса дастлабки мусобақани Ироқда «Жавийя» жамоаси билан ўтказди. Учрашув 5:2 ҳисобида майдон эгаларининг фойдасига ҳал бўлди.

х х х

Мамлакат чемпионати ўйинларида «Навбаҳор» клуби футболчилари 44 очко билан якка пешқадамлик қилишмоқда. Фарғонанинг «Нефтчи» футболчилари ҳисобида 39, Марказий ҳарбий спорт клубида 36 очко бор. Навбатдаги учрашувни фарғоналик футболчилар Муборак шаҳрида «Машъал» жамоаси билан ўтказишди. Мусобақа меҳмонларнинг устунлигида ўтиб, «Нефтчи» клуби 3:1 ҳисобида ғолиб чиқди.

У. АҲРОРОВ.

ТАЪЗИМ

Ғузор... Қадимий юрт. Қуёши яқин, бағри кенг, халқи содда ва тўпори эл. Ғузордан неча-нечалаб олиму уламолар, мадраса кўрган донолару илм-маърифатли истеъдодлар етишиб чиққан.

Эгамберди ўта соғлом, нафис дидли ва қобилиятли бола эди. У дуторда ва найда турли миллий классик куйларимизни меъёрига етказиб ижро этар, якка олишувда бир ўзи бир неча йигитга бас кела оларди...

Инқилоб арафасида Ғузор тўраси мулла Нарзиллабой ҳовлисида «Дук» спорти мактабини ташкил этганди. Бу мактабда таълим-тарбия олаётган ёшлар «олишув» машқларини ўрганишар, дини исломдан сабоқ олишарди... У илк сабоқни ана шу Нарзулла домланинг «Дук» спорт мактабида олди.

Эгамберди Мирзаев 1921 йилдан бошлаб Ғузор туманига қарашли Авғонбоғ қишлоғидаги Наримонов номли мактабда муаллимлик қила бошлади. Мактаб икки хонали уйда жойлашган бўлиб, болалар шолчаю-буйралар устида ўтиришар, доска ўрнида кичкина тахта-ю бўр ўрнида қора куядан фойдаланилар эди. Барибир, ёш муаллим Эгамберди Мирзаев ўзига биркитилган масъулиятни юракдан ҳис қилар, шогирдларининг саводини чиқаришга, «тўрт амални ўрганиш»га бор кучини сарф қиларди...

Инсон умри оқар даре бўларкан. Йиллар ортидан йиллар ўтди. Домла Эгамберди Мирзаев роппа-роса 36 йил муаллимлик қилиб, 1968 йилда оламдан ўтдилар.

Доноларимиз айтганидек «Одамлар бор тирикликда ўликдир, Одамлар бор ўликликда тирикдир». Ҳа, Эгамберди домла бу ёруғ дунёдан сувга ташланган тош каби изсиз кетмади. Унинг ортида бир эмас, ун эмас, минглаб шогирдлари, 7 нафар фарзандлари-ю юздан ошиқ невара-чеваралари, у бунёд этган боғ-роғлару, у қурдирган қатор-қатор иншоотлар қолди...

Қаранг, Эгамберди Мирзаев ўз билимини ошириш ниятида Тошкент шаҳридаги таълим-тарбия техникумида ўқиди. У туманда «Қизил Шарқ», «Илғор», Ҳамза номли, Майна Ҳасанова номли ва бошқа қатор мактабларда ёшларга бошланғич сабоқ берди, таълим ва тарбияга раҳбарлик қилди. Эгамберди Мирзаевнинг ҳалол ва пок меҳнатлари ўша давр «тили» билан «Меҳнат Қизил Байроқ» ордени, «Шавкатли меҳнати учун» медали ва бир қанча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

«... Биз Эгамберди Мирзаевнинг номини ҳамиша улуғлаб келамиз, — дейди Ғузор тумани халқ таълими бўлимининг мудири Ҳусниддин ака Нуриддинов биз билан бўлган суҳбатда. — Мана шу ўқув йили якунида ҳам у киши кўп йиллар ишлаган Майна Ҳасанова номли мактабда туманимиз бошланғич синф муаллимларининг Эгамберди Мирзаев хотирасига бағишланган услубиёт кечасини ташкил этдик.

Ахир устозларни ёд олмоқ, улар хотираларини эслаб таъзим қилмоқдан улуғ ва савоблироқ иш бўлиши мумкинми?..»

Ҳа, устоз муаллим хотирасини вақти-вақти билан ёд олиб туриш, уларнинг камтарона ишларини ўрганиш — буларнинг барчаси инсоний ишлар. Қани энди, ҳамма жойда ҳам шундай бўлса!

Абдували ОБИДДИНОВ.

МУАЛЛИМЛАР МАШВАРАТИ

Янги ўқув йилига оз қолди. Яхши кайфият, кўтаринки руҳ, ижодий куч-қувват билан ўқитувчилар ушбу кунга қадам қўйишмоқда. Ғиждувон шаҳрида бўлиб ўтган август кенгашларида уларни айнан мана шундай ҳолатда учратдик. Анжуман, бошқаларидан фарқли ўлароқ димиққан мажлисгоҳда эмас, балки шаҳарнинг соя-салқин хиёбонида бўлиб ўтди.

Кенгаш қатнашчилари ўтган ўқув йили якунлари, эндиги режалар ҳақида фикр алмашишди. Янги педагогик усуллар қўллаш, таълим-тарбияда яхши натижаларга эришишга тайёр эканликларини изҳор қилишди.

Ғиждувонда ўз касбининг фидойиси бўлмиш муаллим ва тарбиячилар сон-саноқсиз. Шаҳар халқ таълими бўлими мудири Аброр Орипов уларни фахр билан тилга олиб ўтди. Бинобарин, улар «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» кўкрак нишони, Халқ таълими вазирлиги ҳамда вилоят халқ таълими бошқармаси фахрий ёрлиқлари, пул мукофотларига сазовор бўлишди.

Муаллимлар машваратида Бухоро вилояти ҳокими ўринбосари Абдужалил Халилов, ХТВ мактаблар Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шукур Пулатов, вилоят ХТБ бошлиғи Сангча Баҳронова, фахрий педагоглар вилоят кенгашининг раиси Абдулла Музаффаров, «Учитель Узбекистана» газетаси бош муҳаррири Аҳмаджон Долимов, «Гулхан» журнали бош муҳаррири Сафар Барноевлар иштирок этишди.

Мухбиримиз.

Бугун болаларингизга сумка, дафтар излаб овора бўлиб юрибсизми? Афсус... Оворагарчиликка асло ҳожат йўқ. Ана, пойтахтимиздаги «Болалар дунёси» магазини қошида ташкил этилган «Мактаб бозор»ига ташриф этинг. Сиз у ердан истаган нарсангизни топишингиз мумкин. Сотувчи Раънохон Раҳматжонова сизнинг хизматингизга камарбаста.

Суратда: «Мактаб бозори»даги савдодан лавҳани кўриб турибсиз.

Равиль АЛЬБЕКОВ сурати.

Ма'рифат

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ҳалим САИДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 36-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 36-55-58.
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
Навбатчилар: Ҳулкар ТУЙМАНОВА, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г.-0446. Тиражи 32041. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 20.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

123456